

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ



“Жиноятчиликка қарши курашиш
ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига
оид қонунлар ижроси устидан назорат
кафедраси” “Тергов фаолияти” йўналиши тингловчиси

ЭСАНАЛИЕВ САДРИДДИН НУРИДДИН ЎҒЛИНИНГ

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР
ЭТИЛАДИГАН ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРЧИЛИК
ҲАРАКАТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ**

мавзусидаги

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар: А.Хикматов (PhD)

Илмий маслаҳатчи: А.Ҳамидов

ТОШКЕНТ - 2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	1-5
I БОБ. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ	6-28
1.1. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларнинг тушунчаси, тарихи ва ўзига хос жиҳатлари.....	6-15
1.2 Кибертерроризмни таснифлаш.....	16-28
II БОБ. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАВСИФИ	29-53
2.1. Кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмга қарши курашда қонунчилик муаммолари ва унинг ечимлари.....	29-47
2.2. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларга қарши курашда хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	48-53
III БОБ. КИБЕРЭКСТРЕМИЗМ ҲАМДА КИБЕРТЕРРОРИЗМ ПРОФИЛАКТИКАСИ, УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА МАХСУС ВАКОЛАТЛИ ИДОРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	54-71
3.1. Киберэкстремизм ҳамда кибертерроризм қарши курашда махсус ваколатли идораларнинг ўрни ва аҳамияти.....	54-60
3.2. Киберэкстремизм ҳамда кибертерроризм профилактикаси.....	61-66
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	67-71
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	72-77

К И Р И Ш

Стастик маълумотларга қараганда бугунги кунда 7 млрд.га яқин инсон электр алоқасининг кўчма тармоқлари билан қамраб олинган ва йилига кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ЯИМнинг 1 фоизини ташкил этар экан¹.

Ёки, экспертларнинг таъкидлашича, киберхужумлар кўлами йилдан-йилга ортиб бораверади ва 2030 йилда бунинг оқибатида дунё иқтисодиёти 120 трлн. доллар миқдорида зарар кўради. Бунинг асосий сабаби сифатида киберхужум нишони бўлиши мумкин бўлган технология трендларининг ўсиб бораётганлиги кўрсатилмоқда. Хусусан, 2022 йилда интернетга 1 трлн. дона қурилмалар уланиши мумкин, 2023 йилда эса, 80 фоиз одамлар рақамли дунёдаги ўз “аватар” ларига эга бўлади².

Ёхуд, киберхавфнинг қанчалик зарарли эканлигини кўриб ўтадиган бўлсак, киберхужумлар бўйича хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро Symantec Security ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар секунда дунёдаги 12 нафар инсондан биттаси киберхужум қурбони бўлмоқда ва дунёда ҳар йили 556 млн. дан кўпроқ киберхужум уюштирилади ҳамда бунда жабрланувчилар кўрадиган зарар миқдори 100 млрд. АҚШ долларидан кўпроқдир³.

Чунончи, Cybersecurity Ventures халқаро экспертларнинг фикрича эса, дунё бўйлаб ҳар ҳар 14 сонияда битта киберхужум содир этилмоқда, Жаҳон иқтисодий форумининг прогнозига кўра, киберхужумлар натижасида 2022 йилда дунё 8 трлн. доллар миқдорида зарар кўради³.

¹ А.Расулев. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноятҳуқуқий ва криминалогик чораларини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича докторлик диссертация автореферати. – Т.: 2018 й., – 5 б.

² Interpress.uz веб-сайтидан: Киберхужумлардан кўрилатган зарар ортиб бормоқда. <http://interpress.uz/archives/4170>.

³ <https://www.tadviser.ru/index.php/%D0%A1%D1%82%D0%B0%D1%82%D1%8C%D1%8F:%D0%9F%D0%B>

Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, диний, маънавий-мафкуравий кўринишларда содир этилаётган террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш механизмининг янги кўринишлари ривожланиб бораётганлиги, айнан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларга қарши кураш механизмини ишлаб чиқишда қонунчилик базасини такомиллаштиришни тақозо этади албатта. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155, 155², 155³, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255¹ ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг воситаси ёки предмети бўлган компьютер тизимлари ёки ахборот технологиялари тушунчаси бугунги кунда ўзининг техник имкониятлари туфайли тўлиқ кибертерроризмни қамраб ололмайди, яъни, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган диний экстремизм ва терроризм жиноятларини жиноят қонунчилигимизда қайта кўриб чиқишимиз зарурлигини келтириб чиқармоқда.

Хусусан, кибертерроризмга оид ҳуқуқбузарликларга жиноят қонунчилигимизда зарур қоидалар мавжуд эмаслиги оқибатида ҳозирда ахборот технологиялари орқали содир этилаётган диний экстремистик ва террорчилик жиноятларни аниқлаш, уларга қарши курашда мураккабликларга дуч келинмоқда.

Магистрлик ишининг мақсади ва вазифалари. Ушбу диссертация ишидан кўзланган асосий мақсад ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларга қарши кураш механизмини, миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш, асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик ишининг ўрганилганлик даражаси. “Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари” мавзуси

билан боғлиқ амалга оширилган изланишларни қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

Биринчи: Кибертерроризмни молиялаштириш жиноятлари М.М.Мирхаётов, К.В.Гурьянов, Ш.С.Ярослав, киберэкстремизм жиноятлари А.А.Исманова, А.И.Коробеев, Р.И.Дремлюга, Я.О.Кучина, А.В.Бедрик, В.З.Зарбалиев, С.М.Ненашев, О.В.Добродум, Е.В.Зими́на, Г.М.Четверикова, А.Ю.Качимская, Г.С.Мельник, Ю.А.Грачёв, А.В.Никишкин, Е.В.Ветрова, В.Е.Новичков, И.Г.Пыхтин, В.И.Куватов, А.И.Примакин, Д.И.Якушев, Л.З.Давлеткиреева, И.К.Скокова, В.С.Шаповалова, Е.А.Антонян, Е.В.Бархатова, И.А.Кучерков, П.Д.Македонский, Е.П.Уламасова, Л.В.Астахова, М.Р.Арпентьева, В.Е.Квашиш ишларида кўриш мумкин.

Ўзбекистон ҳуқуқшунос олимлари О.Расулов, Ғ.А.Ахмедов, Х.Сулаймонова, Ҳ.Т.Одилқориев, Ю.С.Пўлатова, К.Мирзажонов, Э.Норбўтаев, А.Х.Саидов, З.С.Зарипов, Ж.Тошқулов, Р.Қобулов, М.Қодиров, Э.Ҳ.Халимов, А.С.Якубов ва бошқа олимлар ишларида қисман ёритилган.

Шунга ўхшаш россиялик олимлардан Е.Г.Ляхов, Л.А.Можарян, Г.М.Керимов, А.В.Коровиков, В.Е.Петришов, АҚШлик олим Брюс Хоффманнинг ишларини келтириш мумкин.

Иккинчи: “Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари” мавзусининг ҳуқуқий асослари такомиллашиб ривожланиб бормоқда.

Демак, юқорида келтириб ўтилган асослардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари”ни ўрганиш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юридик адабиётларда “Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик

ҳаракатларнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари” мавзуси алоҳида-алоҳида илмий ва методологик жиҳатдан ўрганилмаган, мамлакатимизда “кибертерроризм”, “киберэкстремизм”нинг назарий-ҳуқуқий масалалари ҳуқуқшунослар изланишларида махсус илмий тадқиқот мавзуси бўлмаган.

Магистрлик ишининг объекти ва предмети.

Магистрлик ишининг объектини ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади. Магистрлик ишининг предмети бўлиб кибертерроризм, киберэкстремизмга қарши курашда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар ташкил қилади.

Магистрлик ишининг методлари.

“Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари” соҳасидаги халқаро меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, мамлакатимизда шу даврга қадар ушбу фаолиятни тартибга солиш, соҳани ривожлантириш мақсадида қабул қилинган ва ҳозирда амалда бўлган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг асарлари, маърузалари ушбу магистрлик ишини ёзишда бизга муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилди. Магистрлик иши юзасидан изланишлар олиб боришда мантиқий, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, формал-ҳуқуқий, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва илмий билишнинг бошқа усулларида фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

Биринчидан, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террористик ҳаракатларга қарши

курашда қонунчилик базасини такомиллаштиришнинг жинойй-ҳуқуқий муаммолари бошқа ҳуқуқ соҳалари билан биргаликда илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилди;

Иккинчидан, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларга қарши курашда қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди;

Учинчидан, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларга қарши курашда қонунчилик базасини такомиллаштиришда махсус ваколатли идораларининг амалга оширадиган назорати илмий таҳлил этилди.

Магистрлик иши натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Магистрлик ишининг илмий аҳамияти қуйидагилардан иборат: жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида моддий ҳуқуқ нормалари ўртасидаги ҳуқуқий бўшлиқлар илмий-назарий жиҳатдан ўрганилди. Мазкур мавзунинг ҳуқуқий асослари, омиллари ва йўналишлари аниқланди.

Магистрлик ишининг аҳамияти ундаги амалий тавсия, услубий кўрсатма ва илмий хулосаларда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларга қарши курашнинг янгича методлари, мақсадларини белгилаш ва иш жараёнини ташкил этишда, хусусан, давлат органлари, муассасалари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш билан белгиланади.

Магистрлик ишининг тузилиши ва ҳажми. Кириш, олти параграфдан иборат учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

1.1 Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларнинг тушунчаси, ўзига хос жиҳатлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таррақиёт стратегиясида “Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш” мақсади устувор вазифа сифатида белгиланди. Яъни экстремизм ва терроризмга қарши курашишга қаратилган халқаро ва минтақавий ташкилотларда фаол иштирок этиш, Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида мувофиқлаштириш, кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини яратиш каби муҳим вазифалар келтириб ўтилди. Бугунги глобаллашув жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш бир қанча имкониятларни яратиш билан бирга, айнан ушбу маконда жиноят содир этишнинг асосий қуролига айланиб қолмоқда.

Масалан, мамлакатимиз доирасидаги статистик малумотларга қараганда, ҳозирда интернетдан фойдаланувчилар сони 22 миллиондан ошганлиги, мобил интернет фойдаланувчилари сони эса 19 миллионни ташкил этишини келтириб ўтишимиз мумкин. Лекин, бу қулайликлардан фойдаланиб глобал тармоқ орқали содир этилаётган жиноятларнинг энг хавфли кўринишлари бўлган кибертерроризм, киберэкстремизмга қарши кураш энг долзарб масалалардан бири сифатида бўлиши даркор.

Умуман олганда, мазкур тоифадаги жиноятларнинг тўғридан тўғри воситаси бўлиб, ахборот-коммуникация технологиялари асосий ўринни эгаллайди. Рус манбалари ва адабиётларида ахборот-коммуникация

технологияларига қўйидагича таъриф яъни шахсий, оммавий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотни тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар ва қоидалар комплекси бўлиб, унга микроэлектроника, компьютерлар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, телекоммуникациялар, интернетдан фойдаланиш, интернет ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек, турли маданий фено-менларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон миллий қонунчилигида кибержиноятларга оид алоҳида нормалар назарда тутилмаганлиги боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясига асосан, технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда, ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш топширилди. Жумладан, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таррақиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида кибержиноятчилик учун жиноий жавобгарликни кўриб чиқиш, кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилиш ва бошқа бир қатор соҳага оид чора-тадбирлар белгиланди.

Мавзуни ёритишдан аввал терроризм, экстремизм ўзи нима эканлиги, уларнинг кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмдан асосий фарқлари нимада эканлигини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунига кўра “терроризм — сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши

(шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб илғовгарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар”дир⁴. Қонунда террорчи тушунчасига — террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни амалга оширган шахс деб таъриф бериб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 155-моддасида терроризм — халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди учун жавобгарлик белгиланган. Шунининг алоҳида назарда тутиш керакки ҳозирда айнан терроризм тушунчасига мукамал, яқдил таъриф берилмаган.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 15-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

Ёки, Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига кўра, “экстремизм бу — ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси”⁵ деб тарифланган. Қонунга асосан, экстремистик фаолият Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини бузишга, ҳокимият ваколатларини эгаллашга ёки ўзлаштиришга, қонунга хилоф қуролли тузилмалар тузишга ёки уларда иштирок этишга, террорчилик фаолиятини амалга оширишга, зўрлик ёки зўрлик ишлатишга ошқора даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, шунингдек экстремистик ташкилотларнинг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, бирор-бир ижтимоий гуруҳга нисбатан сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ёхуд душманлик сабабли оммавий тартибсизликларни амалга оширишга доир фаолиятдир. Хусусан, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш

⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 03/18/489/1593-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

мақсадида тайёрлаш, сақлаш ҳамда диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш учун жавобгарлик белгиланган. Экстремист эса экстремистик фаолиятни амалга оширишда иштирок этаётган, шунингдек экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни амалга оширган шахсдир.

Кибертерроризм тушунчаси, тавсифи, турлари миллий қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинмаган бўлсада, ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари орқали шарҳлайман.

Ҳуқуқшунос А.Б.Хикматовнинг фикрича кибертерроризм – ахборот технологиялари ички фаолиятига ноқонуний аралашиш, компьютерда мавжуд дастурлар ёки маълумотларни мақсадли равишда йўқ қилиш, зарар келтириш, давлат органларининг муҳим қисмлари фаолиятини издан чиқариш билан бирга, инсонлар ҳаётига хавф солиш, моддий зарар келтириш ёки оммавий қўрқитиш, ҳарбий низолар каби турли зарарли оқибатларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатдир⁶.

Олим М.Гуркенинг фикрича, компьютер тизими, тармоғи, уларга уланадиган бошқа воситалар орқали ёки уларнинг ёрдамида компьютер тизими, тармоғи ёки компьютер ахборотида қарши кибермуҳитда содир этиладиган жиноятлар мажмуи кибержиноятдир⁷.

Ёки, Европа Кенгашининг 2001 йилдаги “Кибержиноят ҳақида”ги Конвенциясига асосан, кибержиноят кибермуҳитда содир этиладиган ҳар қандай жиноятдир.

Ёхуд, Олимлар К.Е.Зинченко, Л.Ю.Исмаилова, А.Н.Караханьян, Б.В.Киселев, В.В.Крылов, Я.М.Мастинский. Н.С.Полевой, Ю.Н.Соловьев,

⁶ А.Б.Хикматов, “Терроризмга қарши курашиш: интернетдан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар”. Юридик фанлар бўйича докторлик диссертация автореферати. – Т.: 2022 й., – 5 б.

⁷ M.Gurcke. Understanding Cybercrime: A Guide for Developing Countries. ITU. 2009.

В.В.Хургин, С.И.Цветков олимларнинг фикрича, бу каби жиноятлар электрон ҳисоблаш машиналари орқали содир этилган жиноятдир⁸.

Олимлар Н.Салаев ва Р.Рўзиев ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи, бевосита компьютер воситалари орқали ёки ахборот технологиялари воситасида содир этиладиган қонунга хилоф ижтимоий хавфли қилмишни ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардир деб атаб, унга компьютер жиноятчилиги синоним эканлигини таъкидлашади⁹.

Л.Бўрановнинг фикрича, кибержиноятчилик ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўплаб турдаги жиноятларни ўзида бирлаштирган жиноятлар мажмуидир². Ҳақиқатан ҳам, кибержиноятчилик умумий маънода кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмни ҳам қамраб олади.

Олим А.Темуров кибертерроризмни электрон усул, халқаро интернет тармоғи орқали амалга оширилаётган террористик жиноят деб атаса, Л.Буранов кибертерроризмга террористик мақсадлар йўлида компьютер ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш деб таъриф беради¹⁰.

Юқоридаги олимларнинг фикр ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб кибертерроризм тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Кибертерроризм бу - ахборот технологиялари ички фаолиятига ноқонуний аралашган ҳолда сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахс, давлат, халқаро ташкилот, юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан

⁸ К.Е.Зинченко, Л.Ю.Исмаилова, А.Н.Караханьян, Б.В.Киселев, В.В.Крылов, Я.М.Мастинский, Н.С.Полевой, Ю.Н.Соловьев, В.В.Хургин, С.И.Цветков. Компьютерные технологии в юридической деятельности. Учебное и практическое пособие. -М.: издательство "БЕК". 1994 г., -с. 304,

⁹ Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти. Монография: У.А.Анорбоев "Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари".

¹⁰ Л.Буранов. Кибержиноятчиликка қарши курашишда Интернет-маданиятнинг аҳамияти. <https://blog.xabar.uz/post/kiberjinoatchilikka-qarshi-kurashishda-internet-madaniyatning-a>.

тийилишга мажбур қилиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик. Ушбу таърифни асослайдиган бўлсак.

Биринчидан, кибертерроризм кибермуҳитда содир этилишини инобатга олган ҳолда давлат ва жамият хавфсизлигига, компьютер маълумотлари ва тизимларининг конфиденциаллигига, мулкка қарши, иқтисодий фаолият асосларига, давлат ҳокимиятига, давлат хизматини ва маҳаллий бошқарувдаги хизматга қарши, маълумотлар махфийлигини бузиш, жисмоний хавфсизликка, ҳаёт ва инсон соғлиғига зарар етказувчи зўравон ёки бошқа хавфли қилмишлар кўринишида содир этилади;

Иккинчидан, кибертерроризм ҳамда киберэкстремизм ахборот-коммуникация технологиялари орқали муҳофаза қилинадиган ёки мазкур технологиялар орқали бошқа ижтимоий муносабатларга таҳдид солади;

Учинчидан, диний, сепараристик, кўпоровчилик, экстремистик, миллий, ирқий ва бошқа амалдаги қонунчилик билан тақиқланган муносабатларни келтириб чиқариши, жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий, маънавий ва бошқача шаклда зиён етказиши, шунингдек давлатлар ва халқлар ўртасида низолар пайдо бўлишини таъминлайди.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларга нисбатан қўлланиладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари кучайтирилиши лозимдир. Чунки, айнан кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмнинг келтириб чиқарадиган салбий оқибати терроризм ҳамда экстремизмдан юқори бўлиши мумкин. Масалан, айнан киберфазода кибертеррористлар аудиторияси ниҳоятда кенг бўлади.

Кибертерроризм тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўтган асрнинг 60 йилларида интернет тармоғининг яратилиши билан

чамбарчас боғлиқ бўлиб, 1983 йилда, дастлабки кибертеррористлар гуруҳи ушланган. Шу орқали 1983 йилда “Военные игры” (“WarGames”) номли дастлабки хаккерлар тўғрисидаги фильм яратилган. Кибержиноятчиликнинг ривожланиши натижасида кибертерроризм вужудга келган бўлиб, аслида, кибертерроризм 1970 йилларда бошланган ва уни фанга В.Колин 1980 йилларда олиб кирган.

Хусусан, кибертерроризм ўзининг салбий оқибатлари билан характерланади, яъни, 1993 йил Лондонда кибертеррористлар брокерлик фирмалари, банклар ва бошқа фирмалардан 10 млн. фунт стерлингдан 12 млн. фунт стерлинггача бўлган пул маблағларини талаб қилишган. 1994 йилда “Владимир Левин иши” бутун дунёда “компьютер жиноятларининг трансмиллий тармоғи мақомини олган. Ушбу жиноят россиялик кибержиноятчилар томонидан 12 кишидан иборат халқаро уюшган гуруҳ томонидан АҚШ, Финландия, Исроил, Швейцария, Германия, Россия, Голландиядаги банклардан 10 млн. 700 минг. 952 АҚШ доллари миқдоридаги 40 та пул ўтказмаларига нисбатан амалга оширилган кибержиноят бўлиб, кибержиноятчилар 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини ўзлаштириш вақтида қўлга туширилган иш эди¹¹.

Кибертерроризм аҳолига, давлатга, юридик шахсларга хатто алоҳида дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан ҳам амалга оширилиши билан ўзига хос аҳамиятга эга. Мисол учун, 1996 йилда “Тамил-Илама йўлбарсларини озод қилиш” террористик уюшма Шри-Ланка дипломатик вакилининг телекоммуникация тармоқларига нисбатан амалга оширилган. 1997 йил сентябр ойида эса, кибертеррористлар НАСА ва “Атлантис” космик кемасига кибертеррористик ҳужум уюштиришган. Натижада, 1998 йилнинг

11 МСЭ публикует данные по ИКТ за 2015 год Революция в ИКТ последних 15 лет подтверждается статистическими данными. URL:http://www.itu.int/net/pressoffice/press_releases/2015/pdf/17-ru.pdf.³ <http://www.myshared.ru/slide/439133/>.

Ўзидаёқ АҚШда 30 га яқин террористлар кибертеррорист сифатида рўйхатга олинган. 2004 йилда эса, Жанубий Кореянинг муҳофаа вазирлигига нисбатан киберхужум уюштирилган ва ўнлаб вазирлик компьютерлари ишламай қолган.

Энг ачинарлиси, кибержиноят ёки кибертерроризм жиноят содир этиш ёши яъни жиноят субъекти масаласи ҳам мунозаралидир. Масалан, Ўзбекистон Жиноят кодексининг 17-моддасида жинойий жавобгарлик ёшининг миқдори 14, 15, 16, 18 ёш деб эътироф этилган.

Хорижий мамлакат амалиёти сифатида 1998 йилда 12 ёшли бола АҚШнинг Аризона шаҳридаги тўғонни бошқарадиган компьютер тизимига ноқонуний кириши оқибатида жиноят содир этган. Агар 12 ёшли боланинг қилмиши Ўзбекистонда содир этиладиган бўлса, бу билан боғлиқ жиноят иши ЖПКнинг 333-моддасига асосан жиноят ишини қўзғатишдан рад этилган бўларди¹².

Мамлакатимизнинг диний экстремизм, терроризмга қарши курашдаги ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев БМТ бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида самарали ҳамкорлик олиб борилаётганлиги, БМТнинг аксилтеррор стратегияси тўлақонли амалга оширилаётганини таъкидлаб, Минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

Ушбу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланиб, 2022 йилнинг 3-4 март кунлари Тошкент шаҳрида “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал аксилтеррор стратегияси: Марказий Осиёда минтақавий қўшма ҳаракатлар режасининг 10 йиллик

¹² Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти. Монография: У.А.Анорбоев “Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари”.

натижалари ва истиқболлари” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилиши фикримизнинг яққол исботидир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 1-июлдаги ПФ-6255-сон қарори билан тасдиқланган “2021-2026-йилларда Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Миллий стратегияси”га кўра, экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш мақсадида ватанпарварлик, анъанавий қадриятлар ва бағрикенглик мафкурасини тарғиб қилиш, вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги ролини кучайтириш, узоқ муддат хорижда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм ғоялари таъсиридан ҳимоя қилиш, интернет жаҳон ахборот тармоғидан экстремистик ва террорчилик мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг экстремизм ва терроризмга қарши курашишга кенг жалб қилиш, экстремистик ва террорчилик ҳаракатларини содир этганлик ҳамда уларни молиялаштирганлик учун ҳуқуқий таъқиб ва жавобгарликка тортиш чораларини ва экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

1.2. КИБЕРТЕРРОРИЗМНИ ТАСНИФЛАШ.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги мавжуд тажриба, шунингдек, минтақа давлатларидаги мазкур таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳолатнинг ретроспектив ва қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиёда экстремистик ва террорчилик фаолияти, асосан, миллатчилик (миллий), ижтимоий, диний ва сиёсий ғоялар остида амалга оширилмоқда¹³. Қайд этиш лозимки, бугунги кунда экстремистик ва террорчилик ташкилотлари сафларига жалб қилишда интернет жаҳон ахборот тармоғидан кенг фойдаланилмоқда, унинг ёрдамида экстремизм ва терроризм мафкураси фаол сингдирилиб, аҳолининг диндор қисми ўртасида жамиятга қарши кайфият шакллантирилмоқда.

Кибертерроризм ва киберэкстремизмдан кўзланган асосий мақсад бошқа тарафга моддий ва маънавий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа турдаги зарар етказиш бўлиб, бунда жиноятчи ахборот технологияларидан фойдаланиб ўзининг қабиҳ мақсадига етишни кўзлайди ёки иккинчи тарафни шу орқали ўзига тобе қилишга ҳаракат қилади.

Бироқ, кибертерроризм ва киберэкстремизмларни турларга ажратиш ва уларни таснифлар ёрдамида содир этилган ёки содир этилиши режалаштирилаётган кибержиноятлар ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиш учун уларни турларга ажратиш ва шу орқали уларнинг мазмун-моҳиятини ўзаро тизимлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Киберэкстремизм ва кибертерроризм содир этилиши орқали кибержиноятчи ахборот технологиялардан фойдаланиб шахс, жамият ёки сиёсий ирода ёки уларнинг технологияларига зарар келтириш, кўрқитиш ва уларни йўқ қилишни мақсад қилиб олади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра, кодексда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасдан ёки эҳтиётсизлик

¹³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.07.2021 й., 06/21/6255/0638-сон

орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин¹⁴. Жумладан, жиноят кодекси моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавfli қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfliлик хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилиши, жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавfli оқибат юз берган вақт деб топилган қилмишлар тўғри ёки эгри қасддан содир этилган бўлиши мумкин. Қонунда шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади, агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасддан содир этилган деб топилиши белгиланган. Юқоридаги

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 39-сон, 294-модда, 52-сон, 384-модда, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда, 51-52-сон, 498-модда; 2007 й., 14-сон, 134-модда, 17-18-сон, 171-модда, 37-38-сон, 377-модда, 39-сон, 401-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 94-модда, 16-сон, 116-модда, 117-модда, 28-сон, 263-модда, 37-38-сон, 366-модда, 39-сон, 390-модда, 391-модда, 52-сон, 513-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 171-модда, 37-сон, 402-модда, 38-сон, 414, 415-моддалар, 39-сон, 423-модда, 52-сон, 553-модда; 2010 й., 20-сон, 147-модда, 21-сон, 161-модда, 38-сон, 329-модда, 51-сон, 482-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда; 2012 й., 15-сон, 166-модда, 37-сон, 423-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда, 36-сон, 452-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда, 32-сон, 425-модда, 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон, 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 29.05.2019 й., 03/19/543/3201-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 31.08.2019 й., 03/19/560/3677-сон; 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон; 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон, 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон, 22.07.2020 й., 03/20/629/1087-сон, 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон, 06.11.2020 й., 03/20/645/1469-сон, 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон; 26.12.2020 й., 03/20/658/1670-сон; 15.01.2021 й., 03/21/667/0035-сон, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон

қоидаларга асосан кибертерроризм ҳамда киберэкстремизм жиноят таркибини тизимли кўриб чиқамиз.

Киберэкстремизм ва кибертерроризмни жиноят ҳуқуқи доирасида шарҳлайдиган бўлсак, ушбу ҳаракатларнинг **бевосита объекти** сифатида миллий ва халқаро хавфсизликни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар десак, қўшимча объекти сифатида - фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, уларнинг мулклари ва бошқаларни таъкидлаш мумкин.

Бу турдаги жиноятларнинг **объектив томондан** ахборот макони орқали ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш мақсадида жисмоний ёки юридик шахслар, давлат, халқаро ташкилотни бирор бир ҳаракат содир этишга йўналтирилган фаол ҳаракатлар орқали содир этилади. Бу ҳаракатларни содир этишда бир қатор ахборот технологиялари восита бўлиб хизмат қилади.

Олим А.Тер-Акопованинг фикрига кўра, ушбу жиноят объектив томондан жисмоний, ахборот ва норматив-дастурий асосда амалга оширилади¹⁵, М.В.Арзамасцевнинг фикрига кўра, ушбу жиноятларнинг қай тариқа содир этилиши жиноят қонунчилигида белгилаб қўйилади¹⁶.

Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган айрим нашрларда кибертерроризмнинг объектлари сифатида мамлакатдаги энергетика (айниқса, атом энергетикаси), телекомунникация, авиация диспечерлик марказлари, электрон молия тизими, ҳукуматнинг ахборот тизими, автоматлаштирилган ҳарбий бошқарув тизими ва қурол-яроқлар келтириб ўтилади. Кибертерроризмнинг нишонларига эса асбоб-ускуна, хусусан компьютерлар, комунникацион, теле, видео ва аудио ускуналар, дастурий таъминотлар, тармоқ стандартлари ва маълумотларни узатиш кодлари, ахборотлар, яъни маълумотлар базаси, видео, аудио ёзувлар,

15 Тер-Акопов, А. А. Преступление и проблемы нефизической причинности в уголовном праве: монография [Текст] / А. А. Тер-Акопов. – М.: «Юркнига», 2003. – 480 с.

16 М.В.Арзамасцев. К вопросу об уголовно-правовой классификации киберпреступлений. – М.: Уголовное право. Актуальные вопросы права и отраслевых наук: 1(3)/2017. – С. 12.

архив ва бошқа кўринишдаги маълумотлар, ахборот соҳасига алоқадор шахслар киритилган. Объектив томондан ушбу жиноят ўзга шахс учун сир бўлган маълумотлар ва тизимни бузиш орқали, компьютер билан, компьютер қисми, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузиш орқали содир этилади.

Кибержиноятчиликнинг **объекти** хусусида ҳам олимлар турлича фикр билдиришади, хусусан, А.Г.Волеводз фикрига кўра, жиноят қилиш мақсадида қонунга хилоф равишда ахборотларга эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга оид ҳуқуқий муносабатлар ушбу жиноятнинг объектини ташкил қилади деб таъкидлаган.

Миллий ва хорижий адабиётларда келтириб ўтилган маълумотларга қараганда кибержинояттерроризм ҳамда киберэкстремизмнинг объекти кенгроқдир, сабаби ушбу жиноят субъекти мазкур жиноятни амалга ошириш учун фойдаланувчи давлат, жамият ёки фуқарога оид бирон бир маълумотлардан ташқари, унинг мулки, ҳуқуқ ва эркинликларига ҳам таъсир кўрсатиш чораларини кўради.

Ёки, В.Робулнинг фикрига асосан, ахборот тизими, ахборот маълумотлари ва ахборот-коммуникация тармоғи кибержиноятнинг объекти ҳисобланади¹⁷. В.Робулнинг фикрларига қўшилган ҳолда, унга қўшимча равишда ахборот-коммуникациялари орқали ахборотга эга бўлиш, уни қайта ишлаш, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот-коммуникация ва рақамлаш тизими ҳам ушбу жиноятнинг объекти бўлиши мумкин, деган хулосани берамиз. Бундан ташқари, яна шундай фикр билдириш мумкинки, кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмнинг объекти жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар муболаға бўлмайди.

17 Робул В.И. К вопросу о проблемах расследования киберпреступлений. // Научное сообщество студентов: Междисциплинарные исследования: сб. ст. по мат. LVI междунар. студ. науч.-практ. конф. № 21(56). URL: [https://sibac.info/archive/meghdis/21\(56\).pdf](https://sibac.info/archive/meghdis/21(56).pdf).

Чунки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига кўра, умумий объект сифатида шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги қонун билан мустаҳкамланган.

Озорбойжон жиноят қонунчилиги бўйича ушбу жиноят объектини жамоатчилик билан алоқалар, ошкор этилиши ва махфий сақланиши лозим бўлган компьютер маълумотлари ташкил этади¹⁸.

Олим А.Н.Прикмета мазкур жиноятнинг объектини бу компьютер дастурларини ёки компьютер маълумотларини рухсатсиз йўқ қилиш, блокировкаш, ўзгартириш, нусхалаш ёки компьютер маълумотларини ҳимоя қилиш воситаларини зарарсизлантиришга оид муносабатлардир деб тушунтириш беради¹⁹. А.Н.Прикмета эса, мазкур жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини, шунингдек, маълумотлардан қонуний ва хавфсиз фойдаланишга оид муносабатлар ташкил этади, деб таъкидлайди.

Биз, мазкур фикрларга тўлиқ қўшилолмаимиз, сабаби кибертерроризм ҳамда киберэкстремизм ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали содир этилган тақдирдагига ёки улар билан ҳимояланган тизимни бузиб кириш орқали содир этилгандагига ушбу жиноятларни кибертерроризм ёки киберэкстремизм деб аташимиз мумкин. Энг муҳими, ахборот технологияси ва коммуникацияси билан содир этилган қилмишларни кесик таркибли жиноят сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

18 Характеристика киберпреступлений против банковской деятельности в законодательстве Азербайджанской Республики. Евразийский юридической журнал. № 6 (85) 2015. <http://www.eurasiainace.ru>.

19 Прикмета А.Н. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 С. Прикмета А.Н. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 с.

Олим А.Г.Волеводз фикрига кўра, объектив томондан ушбу жиноят ҳар доим муайян ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ва компьютерда сақланиши мумкин бўлган маълумотларга ноқонуний кириш орқали содир этилади²⁰, А.Тер-Акопованинг фикрига кўра, ушбу жиноят объектив томондан жисмоний, ахборот ва норматив-дастурий асосда амалга оширилади²¹, М.В.Арзамасцевнинг фикрига кўра, ушбу жиноятларнинг қай тариқа содир этилиши жиноят қонунчилигида белгилаб қўйилади²², Озорбойжон жиноят қонунчилиги бўйича ушбу жиноят объектив томонини жамоатчилик билан алоқалар, ошкор этилиши ва махфий сақланиши лозим бўлган компьютер маълумотларининг бузилиши ташкил этади²³.

Субъектив томондан киберэкстремизм ва кибертерроризм - қасддан содир этилаган жиноятлардир. Қасд тўғри бўлиб, айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфли эканлигини англайди ва буни содир этишни хоҳлайди.

Шу ўринда бугунги кун амалиёти қонун ҳужжатларимизда бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Тўғри, қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди, бироқ бугунги кунда диний билимларга эга бўлмаган ёшлар диний экстремистик руҳдаги ахборотларга бефарқ бўлиб, уларни тарқатишда ёки сақлашда хато ва камчиликларга йўл қўйиши оқибатида жиноятчи мақомига ўтиб қолмоқда. Яъни, жиноят мавжуд бўлиши учун жиноят таркиби мавжуд бўлиши талаб этилади.

Олим Н.И.Коржанский ушбу жиноят кўпинча бепарволик оқибатида содир этилади, деб ҳисобласа, Д.И.Элмурзаев Россия Федерациясининг

20 Волеводз А.Г. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: ООО “Издательство “Юрлитинформ”, 2001. – С. 57, 60.

21 Тер-Акопов А.А. Преступление и проблемы нефизической причинности в уголовном праве: монография [Текст] / Тер-Акопов А. А. – М.: «Юркнига», 2003. – 480 с.

22 Арзамасцев М.В. К вопросу об уголовно-правовой классификации киберпреступлений. – М.: Уголовное право. Актуальные вопросы права и отраслевых наук: 1(3)/2017. – С. 12.

23 Характеристика киберпреступлений против банковской деятельности в законодательстве Азербайджанской Республики. Евразийский юридический журнал. № 6 (85) 2015. <http://www.eurasiafinace.ru>.

қонунчилигига асосан шахс қасддан таҳдид ва ғараз ниятида ушбу жиноят содир этади, деб тушунтириш беради, А.Н.Прикмета ҳақиқатан ҳам ушбу жиноятларнинг субъектив томонини айбнинг тўғри қасддан содир этилгани ташкил этади деб таъкидлайди, А.А.Цыркалюк эса, ушбу жиноятларнинг ҳам қасддан ҳам эҳтиётсизликдан содир этилиши ҳақида сўз юритади, М.В.Арзамасцевнинг фикрига кўра, ушбу жиноятларнинг субъектив томондан қай тариқа содир этилиши етарлича жиноят қонунчилигида кўрсатиб берилмаган деб таъкидласа²⁴, А.Наумов, Б.Здравомыслов, И.Козаченко, З.Незнамов ушбу жиноятларнинг субъектив томонини бевосита эгри қасд билан таърифлайди²⁵.

Субъект сифатидаги Ўзбекистон Республикасининг ўн олти ёшга тўлган фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар кибертерроризм субъекти бўлиши мумкин. Ёш масаласини қонунчилигимизда қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Масалан, олимлар Э.Харина²⁶, И.Глотина²⁷ техник имкониятларни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс ушбу жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Ёки, олим А.Г.Волеводз фикрича вояга етган ва ахборот технологиялари ва коммуникациялари бўйича мутахассис ушбу жиноятнинг субъекти бўлади деб таърифлайди²⁸.

Ёхуд, Н.Лимож, М.Косовичларнинг фикрига кўра эса, ахборот технологияси ва коммуникация воситалари ҳақида ҳеч қандай тушунчага

24 М.В.Арзамасцев. К вопросу об уголовно-правовой классификации киберпреступлений. –М.: Уголовное право. Актуальные вопросы права и отраслевых наук: 1(3)/2017. – С. 12.

25 А.С.Абдуллаев. Уголовно-правовой и криминологический анализ надругательства над телами умерших и местами их захоронения тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук. – Махачкала. 2002., – С. 168.

26 Э.Харина. Киберпреступления: уголовно-правовой и криминалистический аспект. –М.: Вестник университета имени О.Е. Кутафина, № 5. 2017. –169 с.

27 И.Глотина. Киберпреступность: основные проявления и экономические последствия. –М.: Вопросы экономики и права. № 8. 2014. –12 с.

28 А.Г.Волеводз. Конвенция о киберпреступности: новации правового регулирования. –М.: Правовые вопросы связи. 2007. № 2. – 17-25 с. ⁶ Н.Лимож, М.Косович. Киберпреступления: особенности совершения и предупреждения. Манба: <http://bii.by/tx.dll?d=301093>.

эга бўлмаган шахслар ҳам, кибержиноятчиликнинг субъекти бўлиши мумкин ва бунда уларнинг ёши аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблайдилар⁶.

2001 йил 23 ноябрдаги «Кибержиноятчилик бўйича Будапешт конвенцияси»да кибержиноятнинг субъекти **ақли расо вояга етган истаган шахс бўлиши мумкин** деб тушунтириш берилган.

Миллий қонунчилигимизда яъни Жиноят кодексининг 18-моддасига кўра, жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва уларни бошқара олган шахс ақли расо шахс экани, ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни руҳий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги сабабли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмаслиги, ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкинлиги белгиланган. Бундан ташқари, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жиноят содир этиш вақтида руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган ақли расо шахс жавобгарликка тортилади, ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан суд томонидан жазо билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин.

Шунингдек, мазкур юқоридаги конвенцияга асосан, кибержиноятларнинг объекти ишлаб чиқариш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, қидириш, узатиш, тарқатиш ва бошқа функцияларни амалга оширувчи, истеъмол бўйича ахборот жараёнларини амалга

оширишга ихтисослашган компьютер техникаси ёки унинг қисми, тизими ва тармоқлари оид ижтимоий муносабатлар ҳисобланади²⁹.

Олим А.Н.Прикметанинг фикрларига қўшилишимиз мумкин. Яъни жинойтчи мазкур жинойтни содир этишни тўғридан-тўғри жинойий мақсад билан компьютер тизимига ёки унинг бир қисмига ноқонуний равишда кирган киши ўз ҳаракатларининг ноқонунийлиги ва ижтимоий хавфлилигини биледи ва уни содир этишни ўзи хоҳлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 26.03.1999 йилдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан, ахборот маҳсулотлари фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тайёрланган ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ҳамда қўлланиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот ҳисобланади³⁰.

Жумладан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга асосан, ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидир³¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунига асосан, телекоммуникациялар тармоғи – узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини,

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти. Монография: У.А.Анорбоев “Кибержинойтчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари”.

³⁰ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 17-модда.

³¹ Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуидир³².

Жиноят ҳуқуқида кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмнинг ҳуқуқий оқибати у туфайли келиб чиққан зарар билан ўлчанади деб шарҳласак бўлади. Чунки, бу зарар ёки бой берилган фойда нафақат моддий, балки шахсий номулкий, маънавий зарардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Энг ачинарлиси инсонларнинг тақдири билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиб ўтиш ўринлики, айнан кибертерроризм келтириб чиқарадиган оқибатлар нуқтайи назардан бир вақтда бошқа жиноятларга қараганда анчайин хатарли ва оғир жиноят туркумига киради. Кибертерроризм биринчи навбатда унинг ҳар қандай замонавий ахборот қуролларидан фойдаланган ҳолда содир этилиши, ахборот технологиядаридан фойдаланиш орқали алоқа йўлларининг ишламай қолишига сабабчи бўлган ҳолда, ахборот фойдаланувчилари учун сунъий тўсиқларни келтириб чиқарадиган жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатадиган жиноятлар мажмуи сифатида баҳоланиши мумкин.

Булардан ташқари, ушбу тушунча ва унинг моҳияти хусусида В.А.Васенин, В.А.Галатенко, Ма Хуайдэ, Р.Ф.Азизов, Г.Ибрагимова, Т.А.Полякова, Л.П.Зверьянская ва бошқалар ҳам ушбу тушунчага таъриф беришга ҳаракат қилишган.

Кибертерроризм деганда, баъзи олимлар баъзан одамлар ўлими, катта мулкый зарар етказилиши ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар таҳдидини юзага келтирадиган ахборот тизимларини издан чиқариш ҳаракатлари шунингдек, ана шу мақсадларда мазкур ҳаракатларни содир

32 Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги 822-1-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 219-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 9, 414-модда; 2011 йил, № 12/2, 366-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда.

этиш билан таҳдид қилиш тушунилиши ҳақида фикр юритади. Киберхавфнинг қанчалик оғир эканлигини кўриб ўтадиган бўлсак, киберхужумлар бўйича хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро Symantec Security ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда ҳар секунда дунёдаги 12 нафар инсондан биттаси киберхужум қурбони бўлмоқда ва дунёда ҳар йили 556 млн. дан кўпроқ киберхужум уюштирилади ҳамда бунда жабрланувчилар кўрадиган зарар миқдори 100 млрд. АҚШ долларидан кўпроқдир.

Cybersecurity Ventures халқаро экспертларнинг фикрича эса, дунё бўйлаб ҳар ҳар 14 сонияда битта киберхужум содир этилмоқда, Жаҳон иқтисодий форумининг прогнозига кўра, киберхужумлар натижасида 2022 йилда дунё 8 трлн. доллар миқдорида зарар кўради³³.

Ўзбекистон киберхужумга учраётган давлатлар рейтингда 68 ўринни, Осиё давлатларида эса, 3 ўринни эгаллайди³⁴. Умуман олганда интернет тармоғида террорчилар томонидан шахсларни ёллашда қуйидаги босқичлардан иборат ҳаракатларни ўз ичига олади.

Биринчиси, жиноят содир этишга тайёргарлик босқичи бўлиб, мазкур босқичда террористик ҳаракат содир этишга мойил ва мос бўлган номзодни аниқлаш, у ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва баҳолаш, уни террорчилик ташкилоти фаолиятига жалб этиш бўйича ташкилий-тактик методикани ишлаб чиқиш;

Иккинчиси, бевосита ёллаш босқичи бўлиб, бунда номзод билан танишув ва ёллаш бўйича суҳбатга киришиш, алоҳида ташкилот ҳаракатларига жалб этиш, шунингдек, номзоднинг ишончлилигини синовдан ўтказиш бўйича текширув тадбирларини ўтказишдан иборатдир;

³³<https://www.tadviser.ru/index.php/%D0%A1%D1%82%D0%B0%D1%82%D1%8C%D1%8F:%D0%9F%D0%B>

³⁴ <https://cybermap.kaspersky.com/ru/stats/>.

Учинчиси, номзодни ушлаб қолиш босқичи бўлиб, бунда ушбу босқичда номзодни руҳий ва жисмоний таъсир кўрсатиш усуллари билан ташкилот фаолиятида ушлаб қолиш тадбирлари ўтказилади. Бундан кўзланган асосий мақсад - маънавий “устоз”ининг сўзсиз, тўлиқ итоаткорлигига тайёр бўлишдир.

Бугунги кунда, дунё мамлакатлари тажрибаларини умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, террорчилик ташкилотларининг глобал тармоқдаги тарғибот тадбирлари қуйидаги тоифадаги аудиторияга қаратилган. Буларга опонентлар (қарши томон), бу тоифадагиларни кўрқитиб, руҳий тушкунликка тушириш, террорчиларнинг барча талабларини бажаришга мажбур қилишга қаратилган. Жумладан, фаол қатнашчилар, интернет ёрдамида алоқага киришилади ва террорчилик ҳаракатларини режалаштириш, тайёрланиш ва содир этишга қаратилган.

Экстремизм сўзи латинча *extremus* – энг охири, ўта кетган, ашаддий, кескин деган маъноларда тушунилиб, сиёсатда ва мафкурада ашаддий, фавқулотда усуллар билан йўл тутишга, кескин чоралар кўришга тарафдорликдир. Хусусан, экстремизм нафақат диний балки, миллий, ирқий, этник ва бошқа кўринишларда содир этилиши мумкин. Қонунга асосан экстремистик фаолият Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини бузишга, ҳокимият ваколатларини эгаллашга ёки ўзлаштиришга, қонунга хилоф қуролли тузилмалар тузишга ёки уларда иштирок этишга, террорчилик фаолиятини амалга оширишга, зўрлик ёки зўрлик ишлатишга ошкора даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатишга, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, шунингдек экстремистик ташкилотларнинг атрибутларини ёки

рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, бирор-бир ижтимоий гуруҳга нисбатан сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ёхуд душманлик сабабли оммавий тартибсизликларни амалга оширишга, ошкора даъват қилишга қаратилган ҳаракатларни режалаштиришга, ташкил этишга, тайёрлашга ёки содир этишга доир фаолият сифатида намоён бўлади.

II БОБ. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

2.1. Кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмга қарши курашда миллий қонунчиликдаги муаммолари ва унинг ечимлари

Кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмнинг юқори босқичда ривожланаётганининг яна бир асоси, у қурол-яроғ ёрдамида амалга ошириладиган террорчилик ҳаракатларидан анчайин арзонга тушади. Чунки, ҳар бир ҳаракат ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмнинг субъектлари ўзларининг қабих мақсадларига эришиш усулларини қуйидаги йўналишларда кўришимиз мумкин.

Биринчидан, айнан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, террорчилик ва экстремистик ҳаракатларни содир этиш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш орқали заиф нуқталарга эътиборни қаратиш;

Иккинчидан, кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмни молиявий жихатдан қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун пул ҳамда бошқа моддий маблағларни йиғиш;

Учинчидан, айнан давлат сиёсатига, конституцион тузумга қарши бўлган радикал фикрловчиларни, уларнинг тарафдорларини мақсад ва вазифаларини ўзида мужассам этувчи сайтларни яратиш;

Тўртинчидан, жамиятга психологик таъсир ўтказиш, келгусида ўтказилиши режалаштирилаётган террорчилик ва экстремистик ҳаракатлар ҳақида хабардор этиш ва бошқалар.

Бу борада мамлакатимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилишига қарамай, ижтимоий муносабатлар ўзгариши оқибатида

мазкур соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини ислоҳ қилиш тақозо этади.

Хусусан, 15.12.2000 йилда терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унга кўра бир неча ҳуқуқий асослар белгиланган. Қонуннинг 2-моддасига кўра, “терроризм — сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар”³⁵ деб белгиланган. Шунингдек, қонунда террорчи, террорчилик гуруҳи, террорчилик ташкилоти, террорчиликка қарши операция, террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зона, террорчилик фаолияти, террорчилик ҳаракати, халқаро терроризм каби асосий тушунчалар мустаҳкамланган. Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат бўлиб, терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик, шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, терроризмнинг олдини олиш

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 15-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

чоралари устуворлиги, жазонинг муқаррарлиги, терроризмга қарши кураш ошкора ва ноошкора усулларининг уйғунлиги, жалб этиладиган кучлар ва воситалар томонидан террорчиликка қарши ўтказиладиган операцияга раҳбарлик қилишда яккабошчилик белгиланган.

Терроризмга қарши кураш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатлари билан, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, махсус хизматлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Бунинг бевосита амалий акси сифатида ШХТнинг 16.06.2009 йилдаги “Терроризмга қарши конвенцияси”ни мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Мазкур конвенцияни Ўзбекистон Республикаси 16.12.2011 йилда ратификация қилган. Конвенцияга кўра, “терроризм — аҳолини кўрқитиш билан боғлиқ ҳамда шахсга, жамиятга ва давлатга зарар етказишга йўналтирилган, зўравонлик ва (ёки) бошқа жиноий ҳаракатларни содир этиш ёки содир этиш билан таҳдид қилиш йўли билан ҳукумат органлари ёки халқаро ташкилотлар томонидан қарор қабул қилинишига таъсир ўтказиш зўравонлик мафқураси ва амалиёти” деб талқин этилади³⁶.

Шунингдек, бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган киберэкстремизм билан боғлиқ жиноятлар кўрсаткичлари ўсаётган вақтда Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни кибертерроризмга қарши кураш деган махсус боб, шунингдек терроризмнинг содир этилишининг янги турлари яъни кибертерроризм, киберэкстремизм, кибертеррорист, киберэкстремист каби асосий тушунчалардан йироқ эканлиги, уларга қарши кураш меҳанизмлари мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Худди шу каби тушунча ва камчиликларни “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2011 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-309-сонли «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида»ги [Қонуни](#).

кўришимиз мумкин. Ушбу қонунга кўра, “экстремизм бу — ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодасидир”³⁷. Қонунга асосан, экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари экстремизмнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш, шунингдек унинг юзага келишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, экстремизм соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, шунингдек жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш, экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик деб белгиланган.

Бугунги кунда глобал тармоқда авж олаётган ва жиноятчилик оламида энг хавфлиси бу кибертерроризм ва экстремизмдир. Электрон дунё кибертерроризмга, турли сиёсий кучлар, экстремистик ташвиқотлар ва ғояларини тарғиб қилувчи, ҳар хил жиноий гуруҳларнинг фаолиятини амалга оширишларига ва ўз қарашларини оммага тарғиб қилишларига ҳам кўмаклашмоқда.

Экстремистлар томонидан интернетдан фаол фойдаланиб келишига, аввало, унга кириш ва фойдаланиш енгиллиги, давлат идоралари томонидан назорат қилиш имкони чекланганлиги, аудиториянинг жуда кенглиги, маълумотларни белгиланган манзилга

³⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 03/18/489/1593-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

тезлик билан етказа олиш, материалларни матн, графика ва аудиоёзув кўринишида тайёрлаш каби “қуллайликлар” сабаб бўлмоқда³⁸.

Олимлар “кибертерроризм”ни шартли равишда қуйидаги кўринишларда тизмлаштирганлар. Яъни, технологик – террорчилик ҳаракатларини содир этишда ахборот платформаси сифатида фойдаланиш, ғоявий – давлатда сиёсий, ижтимоий, диний адоват кўзғатиш ҳамда аҳолини кўрқувда ушлаб туриш воситаси сифатида фойдаланиш, иқтисодий – иқтисодий мақсадларда террорчилик ҳаракатларини содир этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Тўғри, миллий қонунчилигимизда айнан “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” яъни ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботаж, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун жавобгарлик белгиланган.

Шу ўринда баъзи ҳолатларни кўриб ўтсак, ушбу ҳуқуқбузарлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184²-моддасида диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш учун, Кодекснинг 184³-моддасида миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

³⁸ Кропинова Ю.О., Лукин И.В. Киберэкстремизм в современно мире. Понятие и методы противодействия. // Сборник материалов Молодежного форума.2013. - С.37

Ёки, Жиноят кодексининг 155-моддасида халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, Кодекснинг 244¹-моддасида диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш учун жавобгарлик белгиланган.

Бироқ, кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмнинг хавфлилик даражаси, унинг келтирган салбий оқибатларига нисбатан кўлланиладиган жазо чоралари бугунги кунда ўзаро мувофиқ келмайди. Бундан ташқари, кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмнинг миллий қонунчилигимизда акс этмаганлиги уни содир этишнинг яна бир кўриниши десак муболаға бўлмайди.

Ваҳоланки, 15.04.2022 йилда киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Қонунга кўра, “кибержиноятчилик — ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник

воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндисиди”³⁹ деб белгиланди. Бундан ташқари, қонунда ахборотлаштириш объекти, кибержиноятчилик, кибермакон, кибертахдид, киберхавфсизлик, киберхавфсизлик ҳодисаси, киберхавфсизлик объекти, киберхавфсизлик субъекти, киберҳимоя, киберхужум, муҳим ахборот инфратузилмаси, муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари, муҳим ахборот инфратузилмаси субъектлари каби тушунчалар мустаҳкамланган. Шунингдек, қонунида киберхавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Президенти белгилаши, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи деб белгиланди.

Ваколатли давлат органининг киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатлари жумласига киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш, киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш, киберхавфсизлик ҳодисалари юзасидан тезкор-қидирув тадбирларини, терговга қадар текширувларни ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш, киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни, шу жумладан уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни кўриш, фавқулодда вазиятларда ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш ҳамда киберхавфсизлик соҳасидаги бошқа масалалар бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган режаларни ишлаб чиқиш, киберхавфсизликни таъминлашга доир ишларни, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхужумларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир

³⁹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.04.2022 й., 03/22/764/0313-сон

ишларни ташкил этиш, киберхавфсизлик талабларига мувофиқ ахборот тизимлари ва ресурсларидаги аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштиришга доир ишларни ташкил этиш, киберхавфсизлик соҳасида тадқиқотлар ўтказилишини ва мониторингни ташкил этиш, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг ягона реестрини шакллантириш, шунингдек ушбу реестрнинг юритилишини ташкил этиш ва таъминлаш, киберхавфсизлик субъектлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида объектларни муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг ягона реестрига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш, муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашга доир талабларни белгилаш, ахборотлаштириш объектларини ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш, ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқишга, ишлаб чиқаришга ва реализация қилишга доир фаолиятни лицензиялаш, ахборот тизимларидан ҳамда ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш, киберхавфсизлик субъектларининг ахборот тизимларини ва ресурсларини ўрганиш ва текширишни, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида ўрганишлар ва текширишларни амалга ошириш деб белгиланган.

Умуман олганда, айнан терроризм ва экстремизмга қарши кураш борасида мамлакатимизда бир қатор самарали ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, 23.09.2020 йилда давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясининг юқори даражадаги умумсиёсий мунозараларида ўз нутқи билан чиқиш қилиб, БМТ Глобал антитеррор стратегияси муваффақиятли амалга оширилаётганлигини, ушбу дастур қўшма режасининг 10 йиллик натижалари ва келгусидаги

истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш тарафдори эканлигига алоҳида урғу бериб ўтдилар. Жумладан, 19.09.2017 йилда БМТнинг 72-сессиясида давлат раҳбари нутқ сўзлаганида ҳам экстремизм ва терроризм каби салбий иллатга қарши курашишга алоҳида тўхталиб, Афғонистон масаласи глобал миқёсидаги масалалар марказида бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси БМТ Глобал антитеррор стратегиясининг қабул қилинишини қўллаб қувватлаган ҳамда терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича 14 та халқаро конвенция ва протоколларни ратификация қилган.

Шу каби, мамлакатимиз халқаро терроризм тажовузи билан 1999 йилнинг февраль ойидан буён унга қарши курашиш бўйича халқаро майдонда фаол иштирок этиб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон 1999 йилнинг ноябрь ойида БМТ таркибида терроризм қарши курашиш бўйича халқаро марказ ташкил қилиш ҳақидаги таклиф билан чиқган бўлиб, орадан 2 йил ўтгандан сўнг 2001 йилнинг сентябрь ойида БМТнинг терроризмга қарши курашиш Қўмитаси ташкил қилинди. Мамлакатимиз БМТнинг Терроризмга қарши курашиш қўмитаси, МДХ Антитеррористик маркази фаолиятида иштирок этиб, ШХТ фаолияти доирасида тегишли ишларни олиб боради, халқаро антитеррор коалициялар фаолиятига фаол ёрдам кўрсатади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг ШХТ фаолияти доирасидаги таклифига асосан, 2002 йилда ШХТ Минтақавий антитеррор тузилмаси ташкил этилди. Унинг штаб квартираси Тошкент шаҳрида жойлашган. Шунингдек, Ўзбекистон БМТнинг экстремизмга ва терроризмга қарши курашишга оид амалдаги барча конвенция ва протоколларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Афғонистонда бошланган фуқаролар уруши сиёсий ва ҳуқуқий тизимни бутунлай издан чиқариб, мазкур давлатда ғараз ниятли экстремистик ва террористик гуруҳлар

шаклланиб бошлади. Шу асосида, 2018 йил март ойида пойтахтимизда Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференция ташкил этилиб, унинг якунига кўра афғонлараро тинчлик музокараларини бошлаш бўйича декларация қабул қилинди. Бундан ташқари, 2020 йилнинг сентябрь ойида Доҳа шаҳрида афғон сиёсий кучлари ўртасида бошланган тинчлик музокаралари афғон заминида тинчлик ва барарорлик ўрнатилишига катта умидлар бағишлади. Минтақада турли хавф-хатарларни олдини олиш ва уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида, иқтисодий интеграция жараёнларига Афғонистонни кенг жалб қилган ҳолда “Сурхон-Пули Хумри” электр узатиш тармоғини ҳамда Мозори Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқарадиган темир йўл қурилиши каби йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга киришилганлиги эътиборга сазоворли ҳодисалардан биридир.

Тўртинчидан, мамлакатимизда экстремистик ғояларни тарқалишини олдини олиш бўйича самарали ишлар яъни профилактик ҳамда диний-маънавий ишларга алоҳида урғу қаратилмоқда. Шу мақсадда, экстремизм ва терроризм билан боғлиқ бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яъни, Ўзбекистон Республикаси “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаш-тиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155, 155¹, 155², 155³, 242, 244¹, 244², 244³-моддалари ушбу соҳани тартибга солувчи асосий қонунлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакатимизда ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий

халқаро илмий-тадқиқот марказлари бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга, фуқароларнинг диний билимини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Дин ишлари бўйича қўмита ва Олий суд билан ҳамкорликда Интернет жаҳон ахборот тармоғининг веб-сайтлари, ахборот ресурслари, ижтимоий тармоқлардаги экстремистик ва террористик деб топилган профиль, канал ва саҳифаларни олиб ташлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2020-2021 йилларда Бош прокуратура томонидан Олий судга киритилган **19 та** аризалари асосида **200 га** яқин профиль, канал ва саҳифалар экстремистик ва террористик ғоялар билан йўғрилган деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ҳар қандай йўл билан тарқатиш, сақлаш ва намойиш этиш таъқиқланди.

Масалан, амалиётда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг хулосасига кўра, “Facebook”, “Instagram”, “YouTube” ва “Telegram” ахборот порталлари ва ижтимоий тармоқларидаги экстремизм ва терроризм мафкурасини тарғиб қилувчи деб топилган, мазкур маълумотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланиши кўрсатилган ҳолатларда Бош прокурор номидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддаси, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлари, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 41-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 50, 51-моддаларига Олий судга даъво ариза киритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди мазкур тоифдаги материал ҳамда каналларни экстремистик ва террористик деб топишни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида тарқатиш, сақлаш ва намойиш этишни тақиқлаши мумкин. Қайси ташкилотларга нисбатан суднинг уларни экстремистик ташкилот деб топиш ва Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида уларнинг фаолиятини тақиқлаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлса, ўша ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий судининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши лозим.

Шунингдек, терроризмнинг олдини олиш ва бундай ҳаракатларга чек қўйишга қаратилган муносабатларни тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 01.07.2021 йилда “2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6255-сонли Фармони тасдиқланди. Мазкур стратегиянинг мақсади Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлик, фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали ва бир вақтнинг ўзида мувофиқлаштирилган давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлашдир.

Ҳозирги вақтда экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги мавжуд тажриба, шунингдек, минтақа давлатларидаги мазкур таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳолатнинг ретропроспектив ва қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиёда экстремистик ва террорчилик фаолияти, асосан, миллатчилик (миллий), ижтимоий, диний ва бошқа радикал сиёсий ғоялар остида амалга оширилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, террорчилик ҳаракатлар оқибатида 2016 йилда 29.376 та, 2017 йилда 25.000 одам, 2018 йилда 13.483 та, 2019 йилда 19.420 та, 2020 йилда 29.389 та, 2021 йилда 23.000 дан ортиқ киши ҳалок бўлган.

Сир эмаски, бугунги кунда ахборот технологиялари орқали миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ҳамда тарқатиш мумкин.

Жумладан, ҳозирда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган террористик ҳамда экстремистик ҳолатларни малакалашда айрим ҳолатларда хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

Бу борада миллий қонунчилигимиз яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155, 156, 244¹, 244³-моддаларини қайта кўриб мақсадга мувофиқ.

Киберэкстремизм кибертехнологиялардан диний, экстремистик, миллий, ирқий ва бошқа амалдаги қонунчилик билан тақиқланган муносабатларни келтириб чиқарувчи материалларни йиғиш, сақлаш, фойдаланиш, тарқатиш, реклама ва намойиш қилиш, юқоридаги ҳолатлардан биридан фойдаланиб бошқа шахсларга устунлик бериш ёки ўзга шахсларга таъсир ўтказиш, уларга зарар етказиш, тинчилиги ва тотувлигини бузиш, шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар келтиришга оид барча ҳаракатларни тарғибот рукнида амалга оширишга оид ноқонуний ҳаракатлардир. Бунда, телекоммуникация ёки интернет тармоғидан фойдаланаётган фойдаланувчи томонидан ушбу тармоқлардаги диний экстремистик фаолият билан боғлиқ материалларни томоша қила туриб ёки эшитиб ёҳуд кўрган вақтида уларга “лайк” босиши бутун дунёдаги давлатларнинг жиноят қонунчилиги ва олимларнинг доктринал қарашларига асосан, жиноят деб ҳисобланмаслиги керак. Ҳали ўзи англаб тушунмаган ёки эҳтиётсизлиги орқали тармоқдаги “лайк” тугмасини босиши оқибатида шахсларнинг жавобгарилкка тортилиши Жиноят қонун ҳужжатларига асосан асосис бўлади. Шунингдек, бу моддадан келиб чиқиб ҳамда “лайк” босиш билан боғлиқ ҳаракатлар жиноят бўлмаслигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, айнан экстремизм ҳамда терроризм жиноятлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарлилар юзасидан тайинланадиган

экспертиза ва унга бериладиган хулосаларда экспертлар қандай тартиб-таомиллардан, методлардан фойдаланиши, уни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки айнан уларнинг хулосалари инсон тақдирини ҳал этади албатта.

Кибертерроризм ҳамда киберэкстремизм учун жавобгарлик ва жазо тайинлашда уларни квалификация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки, киберэкстремизм ҳамда кибертерроризм таркибини аниқлаш бу борадаги жиноятларни квалификация қилишда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Жиноят кодексининг 16-моддасига асосан, ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Жиноят таркибини эса, жиноят қонунчилигида жиноят деб топиш учун зарур бўлган жиноят объекти, субъекти ва ушбу жиноятнинг объектив ва субъектив томонлари ташкил этади.

Олим А.С.Якубовнинг фикрича эса, жиноят таркиби жиноят қонунчилигида аниқ бир ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб таърифловчи энг кам ва етарли объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидир⁴⁰. Жиноят томонлари албатта ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиши зарур. Энг ками дегани ушбу қилмишда жиноят таркибининг зарурий элементларидан ҳеч бўлмаганда бири бўлмаган тақдирда шахсни жиноий жавобгарликка торитиш мумкин эмаслигини ифодалайди⁴¹.

Кибержиноятнинг таркибини аниқлаштиришда олимлар фикрлари ҳам турличадир, хусусан, кибержиноятнинг қай тариқа содир этилиши хусусида А.Норов кибержиноят инсонлар томонидан бойлик орттириш

40 А.С.Якубов. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. – Т.: 1996. –95 с.

41 Муаллифлар жамоаси. А.С.Якубов, Р.Кабулов, З.С.Зарипов, М.М.Қодиров, Қ.Мирзажанов, Б.А.Миренский, Ю.С.Пуллатов, А.А.Отажанов. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. // –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 91 б.

ёки бошқа ғаразли мақсадларда ахборот технологияларидан ноқонуний фойдаланган.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу жиноятда ғараз бўлади ва қилмиш тўғри қасддан содир этилади. Ушбу ҳолат хусусида ҳам олимлар турлича тушунтириш беришган, аксарият олимлар бундай жиноятнинг содир этилишида айб кўпинча эҳтиётсизлик ёки эгри қасд билан тавсифланади, дейдилар⁴², Д.И.Элмурзаев Россия Федерациясининг қонунчилигига асосан шахс қасддан таҳдид ва ғараз ниятида ушбу жиноят содир этади, деб тушунтириш беради, А.Н.Прикмета ҳақиқатан ҳам ушбу жиноятларнинг субъектив томонини айбнинг тўғри қасддан содир этилгани ташкил этади деб таъкидлайди⁴³, А.А.Цыркалюк эса, ушбу жиноятларнинг ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизликдан содир этилиши ҳақида сўз юритади, М.В.Арзамасцевнинг фикрига кўра, ушбу жиноятларнинг субъектив томондан қай тариқа содир этилиши етарлича жиноят қонунчилигида кўрсатиб берилмаган деб таъкидласа⁴⁴, А.Наумов, Б.Здравомыслов, И.Козаченко, З.Незнамов ушбу жиноятларнинг субъектив томонини бевосита эгри қасд билан таърифлайди⁴⁵. Фикримизча эса, олим Д.И.Элмурзаев, А.Н.Прикмета ва А.Норовнинг фикрларига қўшилиш керак, сабаби кибержиноятчи олдиндан қандай мудҳиш жиноят содир этаётганини билади, хатто жабрланувчи билан ўзаро курашда унинг ютқазинини таъминлаш мақсадида унга турли хил ҳужумларни ўзи хоҳлаб, онгли равишда унга қандай зарар келтираётганини билган ҳолда амалга оширади.

42 Д.С.Злыденко. Категории преступлений и их субъекты: Уголовно-правовые аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук.– Краснодар. 2003., –52 с.

43 А.Н.Прикмета. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 29. ⁶ А.А.Цыркалюк. Уголовная ответственность за доведение до самоубийства тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Тамбов, 2011, –10 с.

44 М.В.Арзамасцев. К вопросу об уголовно-правовой классификации киберпреступлений. –М.: Уголовное право. Актуальные вопросы права и отраслевых наук: 1(3)/2017. – С. 12.

45 А.С.Абдуллаев. Уголовно-правовой и криминологический анализ надругательства над телами умерших и местами их захоронения тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук. – Махачкала. 2002., – С. 168.

Жиноят ҳуқуқида кибержиноятчиликнинг ҳуқуқий оқибати у туфайли келиб чиққан зарар ва бой берилган фойда билан ўлчанади. Бу зарар ёки бой берилган фойда нафақат моддий, балки шахсий номулкий, маънавий зарардан ҳам иборат, энг ачинарлиси инсонларнинг тақдири билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳали ҳаммаси эмас, экспертларнинг таъкидлашича, киберхужумлар кўлами йилдан-йилга ортиб бораверади ва 2030 йилда бунинг оқибатида жаҳон иқтисодиёти 120 трлн. доллар миқдорида зарар кўради⁴⁶.

Ҳозирда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот соҳасидаги таҳдидларни бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этадиган ваколатли давлат органларининг фаолияти устидан назорат ўрнатилиши мақсадга мувофиқ.

Компьютер тармоқларида террорчилик мақсадларида содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишларини қўйидагилардан иборат. Яъни, компьютер тармоқлари, дастурлари ва компьютерлар фаолиятига ноқонуний аралашув, компьютер маълумотларини ноқонуний ва рухсатсиз модификациялаш, ҳимоя тизимини бузиш, террорчилик мақсадларда ахборотларни талон-торож ва ишдан чиқариш, компьютерлар, компьютер тармоқлари ва дастурлари ёрдамида содир этиладиган бошқа қилишларни ташкил этади.

Террорчи ташкилотларининг интернетдан фойдаланишдаги асосий йўналишларидан бири бу тарғиботдир. Замонавий мультимедии марказлари орқали улар ўз экстремистик ва террорчилик ғояларини тарғиб қилиш, террорчилик ҳаракатларини содир этишга чақириқлар, террорчилик фаолияти билан амалий тавсиялар бериш ва бошқаларни амалга оширади. Террорчилик ташкилотлари нафат интернетдан тарғибот воситаси сифатида фойдаланади, балки террорчилик

46 Interpress.uz веб-сайтидан: Киберхужумлардан кўрилаётган зарар ортиб бормоқда. <http://interpress.uz/archives/4170>.³ Д.Н.Карпова. Киберпреступность: глобальная проблема и ее решение. – М.: Власть. 2014. (№8). –46 с.

ташкилотлари сафига ёллаш, хусусан террорчилик ташкилотлари билан ҳукумат қўшинлари ўртасида содир бўладиган қонли туқнашувлар содир бўладиган жойларга ёллаш каби фаолият давом этмоқда.

Ҳозирда АҚШ Ички хавфсизлик вазирлиги амалиётидан келиб чиқиб, террорчилик ташкилотлари интернет орқали янги шахсларни ўз сафига ёллашда қуйидаги усуллар яъни, веб-сайт яратиш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш, таргетинг, мультфильмлардан фойдаланиш, видео-стриминг хизматининг ишлатилиши, онлайн видеоуёнлар яратиш ва бошқалар.

Масалан, 2016 йил июнь ойида террорчилик гуруҳи аъзоси Ларосси Аббала Париждаги бир эр-хотинни ўлдириши жараёнини Facebook нинг Live иловаси жонли тарздаги қотиллик жараёнини 13 дақиқа давомида намойиш этган. Полиция ходимлари 3 соатдан сўнгина Лароссини йўқ қилишган, бироқ ушбу вақт давомида интернетда барча веб-сайтларда нусхаларнинг кўчирилишига олиб келган. Ҳозирги кунда бирор бир давлатда жонли намойиш этилаётган жойни аниқлаш имкони мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига экстремистик материалларни, экстремистик ташкилотларнинг атрибутлари ва рамзий белгиларини олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этиш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситаларида ёхуд телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ва намойиш этиш тақиқланади.

Шунингдек, мазкур моддага кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, тайёрланаётган, сақланаётган, тарқатилаётган ва намойиш этилаётган, шунингдек оммавий ахборот воситаларида ёки телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан

интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатилаётган ва намоиш этилаётган материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экстремистик материаллар деб топилади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 12 мардаги ҳал қилув қарорига кўра интернет жаҳон ахборот тармоғининг “najot.info” ва “hizb-uzbekiston.info” веб-сайтлари ҳамда “Facebook”, “Youtube” ва “Telegram” ахборот ресурслари ва ижтимоий тармоқлардаги қуйидаги номлардаги профиль, канал ва саҳифалари экстремистик ва террористик деб топилди.

“Абу Салоҳ дарсликлари”	“Tavhid darsi”
“Жаннат ошиқлари”	“Qiyomatdan avvalgi fitnalar”
“Шом овози”	“Savol va javoblar”
“Тавҳид ва жиҳод”	“Foida Mp3”
“Islam Abu Khalil”	“Foida va qoidalar”
“Полвон Новқатлик”	“Tafsir darslari”
“Сохиб Махмудов”	“Talbisu iblis darslari”
“Фаррухбек Абдуллаев”	“Islomni buzuvchi amallar darslari”
“Мамарахимов Абдурахим Миркомилевич”	“Nomoz va benomozga taluqli masalalar”
“Мухожир Полвон”	“Ayollar darslari silsilasi”
“Abu Aisha”	“Aqiyda darslari”
“Turkiston”	“Silsilaviy darslar va ma’ruzalar”
“Хуррият инфо”	“Muhim darslar”
“Нажот”	“Aqiydatul vositiya”
“ал-Ваъй”	“Mustalahul hadis”
“Роя”	“Alfatx”
“Usulul fiqh”	“Talabalar uchun darslar”
“Mustalahul hadis”	“АЛЪ-ФАТҲ ТВ”
“Darslardan qisqa lavhalar”	“DA’VAT UZ”
“Fiqh ahkamlari”	“HIDOYAT TV”

Тошкетда “Тавҳид ва жиҳод катибаси” террорчилик ташкилотининг таъсири остига тушиб қолган 11 киши қўлга олинди. Улар интернетда экстремистик роликларни юклаб олишда ҳамда “яширин гуруҳда” муҳокама қилишда айбланган. Қўлга олиш тўғрисидаги пресс-релиз Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги сайтида чоп этилган.

2020 йилнинг 30 июнь куни ўтган қўлга олиш бўйича операцияда Ўзбекистон Республикаси ДХХ, ИИБ ҳамда Тошкент шаҳар ДХХБ, ИИББ ходимлари иштирок этганлар. Шу куннинг ўзида Тошкент шаҳрининг

Олмазор ва Шайхонтохур туманлари ҳудудидаги саккиза манзилда тинтув тадбирлари ўтказилиб, 11 нафар шахс ички ишлар идораларига келтирилган. Республика ИИБ Тергов департаменти уларга қарши жиноят иши қўзғаган. Тергов тахминига кўра, мазкур шахслар Сурияда террористик фаолият олиб бораётган “Тавҳид ва жиҳод катибаси” жангариларининг ғоявий таъсирига тушган ҳолда Тошкент шаҳрида яширин гуруҳ тузиб, ноқонуний йиғилишлар давомида интернет тармоғи орқали кўчириб олинган экстремистик мазмундаги материалларни муҳокама қилиб келишган ҳамда “ҳижрат” ва “жиҳод” амалларини бажариш мақсадида Сурия давлатига чиқиб кетишни режалаштиришган.

Ўзбекистон ИИБ хабар берганидек, йил бошидан бери ушбу ташкилот тарафдорлари шу билан тўртинчи марта қўлга олинмоқда. Февраль ойида Тошкентда иккита рейд давомида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари террорчилик фаолиятини ўрганаётган “Тавҳид”нинг қирқдан зиёд аъзоларини қўлга олганлар. Шундан кейин июнь ойида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида 19 ёшли ўспирин раҳбарлик қилаётган 25 кишининг фаолияти фoш этилган эди.

2.2. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган диний экстремистик ва террорчилик ҳаракатларга қарши курашда хорижий мамлакатлар тажрибаси

1981 йилда Буюк Британия, 1980 йилда АҚШ, 1985 йилда Дания ва Канада, 1986 йилда Германия, 1987 йилда Австрия, Япония ва Норвегия, 1988 йилда Франция ва Грециянинг жиноят ва маъмурий қонунчилигида ушбу тушунча белгиланган⁴⁷ бўлса, бизда ушбу тушунчанинг мазмун моҳиятини тартибга солинмаганлигини кўриш мумкин. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги ҳамда “Жиноят кодекси”да кибертерроризм, киберэкстремизм каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва ушбу қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Грузия Жиноят кодексининг 284-286-моддалари яъни, 35-боб “Кибержиноятлар”, деб номланиб, 324¹-моддасида кибертерроризм учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Грузия Республикасида кибертерроризм, яъни компьютер томонидан муҳофаза қилинадиган маълумотни қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки фойдаланиш орқали аҳолини қўрқитиш, ҳокимиятга таъсир кўрсатиш учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавф-хатар сифатида тушунилади.

Украина Жиноят кодексининг 190-моддаси 3-қисмида электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида ноқонуний операцияларни амалга оширганлик жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари, Украинада электрон ҳисоблаш машиналари, компьютерлар, автоматлаштирилган тизимлар, компьютер тармоқлари ёки телекоммуникация тармоқларининг ишлашига ўзбошимчалик билан

⁴⁷ А.Э.Побегайло. Борьба с киберпреступностью: учебное пособие. – М.: Университет прокуратуры Российской Федерации, 2018. – 13 с.

аралаштириш, зарарли дастурий ёки аппарат воситаларини ишлатиш, тарқатиш ёки сотиш, шунингдек, маркетинг учун яратиш, рухсат берилмаган маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналари, автоматлаштирилган тизимларда, компьютерларда, ахборот воситаларида тарқатиш ва кириш тақиқланган воситаларда сақланадиган маълумотларни тарқатиш, уларга рухсатсиз кириш, улардан фойдаланиш, ҳимоя қилиш қоидаларини бузиш, уларнинг ишлашига тўсқинлик қилиш кибержиноятлар тоифасига киритилган⁴⁸.

Финландия Жиноят кодексининг 30-боби 4-моддасида компьютер тизимига ноқонуний равишда кирган ҳолда савдо ва бошқа сирларини ўғирлашга оид жосуслик қилганлик, **Швейцария** Жиноят кодексининг 143-моддасида электрон усулда санот жосуслиги, **Австрия** Жиноят кодексининг 148^a-моддасида махсус дастурлардан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган қайта ишлаш жараёнларига таъсир ўтказганлик, маълумотларни киритганлик, уларни ўзгартирганлик, йўқ қилганлик ёки бу жараёнларга ўзгача усулларда таъсир кўрсатиб, ўзи ёки ўзга шахслар учун ноқонуний равишда фойда келтириб жабрланувчига мулкый зарар келтирганлик⁴⁹ учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Филиппин Жиноят кодексига асосан, истаган қилмиш агарда ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилган бўлса, бу кибержиноят деб ҳисобланади ҳамда мазкур жиноятларни содир этган шахсларга Филиппин Жиноят кодексига назарда тутилган санкциялардаги жазо миқдоридан **бир даражага кўп** бўлган жазо қўлланилади.

48 Украина жиноят кодексининг 16-боби, 361-363¹-моддаларидан.
<https://meget.kiev.ua/kodeks/ugolovniykodeks/razdel-1-16/>

49 Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган. У.В.Зинина. Преступления в сфере компьютерной информации в российском и зарубежном уголовном праве. Специальность 12.00.08 – уголовное право и криминология: уголовно-исполнительное право. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата юридических наук. – М.: 2007. – 13-14 с.

“Кибержиноятчилик тўғрисида”ги Будапешт Конвенциясига асосан, кибержиноятларга интернет ва бошқа компьютер тармоқлари орқали содир етилган жиноятлар, муаллифлик ҳуқуқларининг бузилиши, компьютер фирибгарлиги, болалар порнографияси ва тармоқ хавфсизлигини бузиш билан боғлиқ жиноятлар киради ва у ушбу жиноятларга қарши курашиш бўйича биринчи халқаро шартнома ҳисобланади⁵⁰.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 161-моддасида телекоммуникация тармоқлари орқали агрессив урушни тарғиб қилиш ёки оммавий чақириқлар учун, Кодекснинг 274-моддасининг 2-қисмида телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб жамоат тартибини бузиш ёки фуқаролар ёки ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига ёки жамият ёки давлатнинг манфаатларига, қонун билан қўриқланадиган давлат манфаатларига жиддий зарар етказиш хавфини туғдирадиган била туриб ёлғон маълумот тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 396-моддаси 2-қисмида интернет орқали урушга даъват этиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган⁵¹.

АҚШнинг 50 та штатидан 44 тасида бу каби жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган, Янги Зеландияда эса, бу каби жиноятлар учун қамоқ жазоси, Германияда 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади⁵².

⁵⁰ Будапештская конвенция. 2001 г., <https://www.coe.int/ru/web/impact-convention-human-rights/convention-oncybercrime#/>.

⁵¹ Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

⁵² Кибербуллинг. Или немного об интернет-травле (С. Авганов, Руководитель отдела по информационному обеспечению Алматинского областного суда) // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=37000746#pos=5;88.

Албания Жиноят кодексининг 74^a-моддасида инсониятга қарши жиноятларни маъқуллайдиган ёки оқлайдиган материалларни компьютер тизимлари орқали қасддан оммага тарқатишни таклиф қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган⁵³.

Жумладан, **Литва** жиноят кодексининг 250-моддасида, **Латвия** жиноят қонунининг 88-моддасида, **Арманистон жиноят** кодексининг 217-моддасида, **Хитой** жиноят кодексининг 120-моддасида, **Қирғизистон** жиноят кодексининг 239-моддасида, **Туркманистон** жиноят кодексининг 271-моддасида, **Украина** жиноят кодексининг 258-моддасида, **Белоруссия** жиноят кодексининг 124-моддасида, **Белоруссия** жиноят кодексининг 289-моддасида назарда тутилмаган бўлса-да, бироқ **Франция** жиноят кодексининг 421¹-моддасининг 2-қисми ва 421³-моддасида информатика соҳасида терроризм, **Тожикистон** жиноят кодексининг 179-моддаси, 179¹-моддаси 2-қисми “г”-банди интернетдан фойдаланган ҳолда терроризмни амалга оширганлик⁵⁴ учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Франциянинг терроризмга қарши курашиш миллий қўмитаси расмий вакили Н.Синцовнинг фикрича, Францияда терроризм бўлишига биринчи навбатда, миллий манфаатлар, сиёсий носоғломлик тўғрисида аниқ фикрларнинг йўқлиги, тор корпоратив манфаатларнинг устунлиги, касбий фаолиятнинг умумий ва барча журналистлар томонидан қабул қилинган қоидалар йўқлиги, иш берувчига, нашрнинг эгасига, муҳаррирга боғлиқлик ҳолатлар, ҳиссий ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи бошқариш қобилятининг йўқлиги, бемаънилиқ ва ҳар қандай ҳолатда эксклюзив бўлиш истаги, фуқаролик жамияти томонидан оммавий ахборот воситаларининг назорати йўқлиги сабаб бўлмоқда.

53 Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган. ² <https://amp.topwar.ru/19076-buduschee-za-kibertehnologiyami.html>.

54 Мазкур кодексларнинг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

“Терроризм тўғрисида” Европа Иттифоқи Парламент Ассемблеясининг “Оммавий ахборот воситалари ва терроризм тўғрисида” 20.06.2005 йилдаги 1706 (2005)-сонли тавсиясида кўрсатилишича аҳоли ўртасида даҳшат, қўрқув ва тартибсизлик ҳисси тарқалиши кўп жиҳатдан “расм” ва оммавий ахборот воситаларининг террорчилик ҳаракатлари ва таҳдидлари тўғрисида берган изоҳларига боғлиқ. Оммавий ахборот воситаларининг глобал миқёсда мавжудлиги кўпинча ушбу ҳодисаларнинг таъсирини мутлақо номутаносиб равишда кучайтиради⁵⁵. Олим Г.Б.Романовский француз жинойт қонунчилигида терроризмнинг барча ҳолатлари тўлиқ ва аниқ кўрсатиб қўйилганлиги, бу борадаги муносабатларда бўлиши мумкин бўлган хавфларнинг олди олинишига ҳам ёрдам беришини, сабаби террорчи ўз жинойтини амалга оширишда олдин ўша давлатнинг қонунчилигини ҳам кўриб чиқиши зарурлиги бу борада бўлиши мумкин бўлган хавфлар бартараф этилишига ёрдам беришини таъкидлаган эди.

Хитой, АҚШ, Эстония, Украина, Голландия, Испания, Австрия, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда кибертерроризмга қарши курашиш бўйича алоҳида қонун қабул қилинган ёки қонунчилигига тегишли ўзгартириш киритилган.

Мисол учун Хитой Халқ Республикасида “ХХРнинг давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонун 01.07.2015 йилда, “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонун 06.07.2015 йилда, “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун 2016 йилда қабул қилинган.

Ушбу қонунларга асосан, мамлакатда кибержинойтларга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, шунингдек, ушбу

55 Рекомендация Парламентской Ассамблеи Совета Европы 1706 (2005) «Средства массовой информации и терроризм» (принята 20 июня 2005 года) // <https://www.presscouncil.ru/teoriya-i-praktika/dokumenty/751rekomendatsiya-parlamentskoj-assamblei-soveta-evropy-1706-2005-sredstva-massovoj-informatsii>.² Г.Б.Романовский. Уголовная ответственность за акты терроризма во Франции // Наука. Общество. Государство. 2017. №3 (19). <http://esj.pnzgu.ru> ISSN 2307-9525.

қонунлар кибертерроризмнинг олдини олиш чораларини ўзи ичига олган.

Россия, Украина, Грузия, Қозоғистон, Эстония қонунчилигида эса, аллақачон, ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг терроризмдаги ўрни аниқ кўрсатиб берилган. Масалан, Украинанинг 2018 йил 21 июндаги №2469-VIII-сон “Киберхавфизликни таъминлашнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасига асосан, кибертерроризм киберфазода ёки ундан фойдаланган ҳолда террористик фаолиятни амалга оширишга қаратилган фаолиятдир⁵⁶.

Буюк Британиянинг 2000 йилдаги “Терроризм тўғрисида”ги қонунида компьютер, унинг тизимига ёки тармоғига ноқонуний кириб уларга жиддий зарар етказган ҳолда ёки ушбу компьютер маълумотларидан фойдаланган ҳолда оммавий тартибсизликни келтириб чиқариш террористик ҳаракатларга тенглаштирилади.

Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 389-моддасига асосан кибертерроризм халқаро терроризм сифатида алоҳида битта моддада кўрсатилган, Грузия Жиноят кодексининг 324¹-моддасига асосан, кибертерроризм, яъни компьютер томонидан муҳофаза қилинадиган маълумотни қонунга хилоф раившда олиб қўйиш, уни ишлатиш ёки фойдаланиш орқали аҳолини кўрқитиш ва (ёки) ҳокимиятга таъсир кўрсатиш жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавфни келтириб чиқариш, 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади, ушбу модданинг иккинчи қисмига асосан, ушбу ҳаракатлар натижасида одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабабчи бўлса, 12 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

56 Закон України від 5 жовтня 2017 року N 2163-VIII «Про основні засади забезпечення кібербезпеки України» / (Відомості Верховної Ради (ВВР), 2017, № 45, ст.403, 2018, № 31, ст.241.

**III БОБ. КИБЕРЭКСТРЕМИЗМ ҲАМДА КИБЕРТЕРРОРИЗМ
ПРОФИЛАКТИКАСИ, УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА МАХСУС ВАКОЛАТЛИ
ИДОРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**3.1. Киберэкстремизм ҳамда кибертерроризм қарши курашда
махсус ваколатли идораларнинг ўрни ва аҳамияти**

Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунининг II бобида давлат органларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Қонуннинг 8-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органлари сифатида белгиланган. Шунингдек, терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари деб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ҳамда бошқа субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Юқорида келтириб ўтилган давлат органларининг ваколатларини кўриб чиқадиган бўлсак, Давлат хавфсизлик хизмати бу борада террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш йўли билан терроризмга, шу жумладан халқаро терроризмга қарши курашни амалга оширади, террорчилар, террорчилик гуруҳлари ва террорчилик ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ҳамда таҳлил қилади, улардан келиб чиқаётган таҳдиднинг миллий хавфсизликка қай даражада хавfli эканлигини баҳолайди, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга зарур ахборотлар тақдим этади, террорчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришидан Давлат чегарасининг ҳимоя қилиниши ва кўриқланишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив, биологик, шунингдек кимёвий ёки бошқа заҳарловчи моддаларнинг, террорчилик ҳаракатини содир этиш мақсадида ишлатилиши мумкин бўлган предмет ёки материалларнинг ноқонуний олиб ўтилиши олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш чораларини кўради, чегара олди минтақасида ва чегара олди зонасида террорчиларни, террорчилик гуруҳларини аниқлайди, зарарсизлантиради, қаршилиқ кўрсатилган тақдирда эса уларни йўқ қилиш чораларини кўради, Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳим ва категорияланган объектларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган давлат муассасаларини, ушбу муассасаларнинг ходимлари ҳамда уларнинг оила

аъзоларини ҳимоя қилишни таъминлайди, халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида чет эл давлатларининг тегишли органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, террорчиликка қарши курашувчи бўлинмаларнинг террорчиларни, террорчилик гуруҳларини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш ҳамда террорчилик ташкилотларини тугатиш ишлари ташкил этилишини таъминлайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи деб белгиланди. Ушбу қонунга кўра, ваколатли органнинг ваколатлари сифатида киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш, киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш, киберхавфсизлик ҳодисалари юзасидан тезкор-қидирув тадбирларини, терговга қадар текширувларни ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш, киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни, шу жумладан уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни кўриш, киберхавфсизликни таъминлашга доир ишларни, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберҳужумларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир ишларни ташкил этиш, киберхавфсизлик бўлинмаларининг, мустақил экспертлар хизматлари ва гуруҳларининг фаолиятини тартибга солиш, кибертаҳдидларга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш ва бошқалар белгиланди.

Ёки, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари сифатида терроризмга қарши курашишда, ҳуқуқ тартиботни, шунингдек жамоат тартиби ва

хавфсизлигини таъминлашда, террорчилик ҳаракатларининг оқибатларини бартараф этишда иштирок этиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Президенти, унинг оила аъзолари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган даврда кўриқланиши лозим бўлган чет давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларининг, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг ва бошқа шахсларнинг хавфсизлигини ҳамда шахсий дахлсизлигини, кўриқланувчи шахсларнинг доимий ва вақтинчалик ташриф буюрадиган жойлари, шунингдек ҳаракатланиш йўналишлари хавфсизлигини таъминлаши кўрсатилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ҳамда унинг оқибатларини минималлаштириш йўли билан терроризмга қарши курашни, алоҳида муҳим, категорияланган ва бошқа объектларнинг кўриқланишини ва хавфсизлигини, давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларига террорчилик фаолиятига алоқадор шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар тўғрисида ахборот тақдим этиши, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси эса Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғлар, қуроллар ва ўқ-дорилар, ядровий, биологик, кимёвий ёки бошқа турдаги ялпи қирғин қуроллари, террорчилик ҳаракатларида ишлатилиши мумкин бўлган материаллар ва асбоб-ускуналарни ноқонуний олиб ўтишга уринишларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўриши, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғи хавфсизлигини, мамлакат маъмурий, саноат-иқтисодий марказлари ва ҳудудлари, муҳим ҳарбий ва бошқа объектларнинг ҳаводан бериладиган зарбадан ҳимоя қилиниши ва кўриқланишини, ўз

тасарруфидаги ҳарбий объектларнинг қўриқланиши ва муҳофизат қилинишини, террорчиликка қарши операцияларда иштирок этиши белгиланган.

Шунингдек, қонунда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фавқулодда вазиятлардан аҳолини ҳимоя қилиш, террорчилар ҳаракат қилаётган зонада жойлашган алоҳида муҳим, категорияланган ва бошқа объектлар барқарор ишлашини, шунингдек террорчилик ҳаракатлари оқибатларини тугатиш юзасидан вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда тадбирлар ўтказиши, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти терроризмни молиялаштириш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини амалга ошириши, қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиши мустаҳкамланган.

Бундан ташқари, Қонуннинг 5-моддасида террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилиши, бироқ терроризмни тарғиб қилиш, террорчилик гуруҳлари ва ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши, террорчилик фаолиятига дахлдор юридик шахсларни, уларнинг бўлинмалари (филиаллари) ва ваколатхоналарини (шу жумладан чет эл ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини) аккредитация қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият

кўрсатиши, террорчилик фаолиятига дахлдор чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларига оид маълумотлар ва фактларни яшириш тақиқланган. Қонуннинг ушбу моддасига айнан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган кибертерроризм ҳамда киберэкстремизм билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмга қарши курашда нафақат давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек малакали ИТ мутахассислари, фуқаролар кўмаклашишлари зарур деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Олим М.А.Простосердовнинг таъкидлашича, кибержиноятларнинг янада кўпайишига сабаб сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ушбу соҳада етарлича билимга эга эмаслиги натижасида латент жиноятчилик кундан-кунга кўпайиб бораётганлигини таъкидлаган. Бу борада алоҳида кадрлар тайёрлашга эътибор бериш керак. Шунингдек, ушбу жиноятлар, уларни малакалаш бўйича Олий суднинг Пленум қарорлари қабул қилиниши зарурдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади⁵⁷. Шунга кўра, терроризмга

⁵⁷ «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 12/1-сон, 343-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда; 2017 й., 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда, 35-сон, 914-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон; 09.02.2021 й., 03/21/670/0089-сон, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон

қарши курашишдаги ижтимоий муносабатлар устидан қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажаралишида прокурор назорати ўрнатилиши мақсадида Бош прокуратура махсус бошқарма вилоятларда махсус бўлимлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

“2021-2026-йилларда Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Миллий стратегияси”га кўра оммавий ахборот воситалари ҳам экстремизм ва терроризмга қарши курашиш тизимининг муҳим таркибий қисми эканлиги, экстремизм ва терроризмга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ билан қуйидаги йўналишларда кенг кўламли ҳамкорлик ўрнатиш зарурлиги мустаҳкамланган :

а) аҳоли ўртасида экстремистик ва террористик ғоялар тарқалишининг олдини олиш учун доимий равишда тажриба ва билим, тадқиқот натижалари ва ноу-хау билан алмашиш;

б) аҳоли ўртасида экстремистик ва террористик ташкилотлар тарғиботчиларининг бузғунчи мақсадларини фoш этувчи ташвиқот ва тарғибот чора-тадбирларини ўтказишда илмий-тадқиқот институтлари, ОАВ ва ННТнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш;

в) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижаларини холисона ёритишга ОАВни жалб этиш;

г) ушбу йўналишда ўқитишни ташкил қилиш орқали медиа соҳадаги амалиётчи мутахассисларнинг малакасини ошириш, шунингдек, экстремизм ва терроризмнинг кўринишларини масъулият билан ёритиш бўйича амалий қўлланма ишлаб чиқиш;

д) ушбу Стратегияни амалга ошириш ва баҳолашда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ННТ, илмий жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик қилиш.

3.2. Киберэкстремизм ҳамда кибертерроризм профилактикаси

“2021-2026-йилларда Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Миллий стратегияси”га кўра⁵⁸ экстремистик ва террористик ташкилотларнинг интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёллаш ҳаракатларида кузатилаётган фаоллик сабабли, уларни зарарсизлантириш бўйича интернет жаҳон ахборот тармоғида экстремизм ва терроризм ғояларини тарқатувчиларни, шунингдек, республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш ниятида бўлган шахслар ва гуруҳларни ўз вақтида аниқлаш, республика аҳолисига хос бўлган бағрикенглик ва диний анъаналарни ўзида мужассам қилган илмий асосланган мафкурага таяниб интернет тармоғида экстремизм ва терроризм ғояларига қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини ташкил этиш, бузғунчи контентни аниқлаш ва йўқ қилиш мақсадида интернет жаҳон ахборот тармоғини таҳлил қилиш, интернет жаҳон ахборот тармоғида экстремизм ва терроризм ғояларига ахборот орқали қарши курашиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг махсус бўлинмаларини зарур бўлган илғор дастурий маҳсулотлар ҳамда техника билан таъминлаш, интернет жаҳон ахборот тармоғидан экстремистик ва террорчилик мақсадида фойдаланишга қарши курашиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам равишда такомиллаштириб каби чоралар кўрилиши зарурлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунига кўра, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва

⁵⁸ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.07.2021 й., 06/21/6255/0638-сон

уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими”дир⁵⁹.

Киберэкстремизм ҳамда кибертерроризм профилактикасидан асосий кўзланган мақсад нима деган савол тизимли таҳлил қиладиган бўлсак.

Биринчидан, давлатнинг конституцион тузумини, жамият ҳамда шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

Иккинчидан, кибертерроризм ҳамда киберэкстремизм ҳақида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек киберэкстремизмга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

Учинчидан, кибертерроризм ҳамда киберэкстремизм соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

Тўртинчидан, кибертерроризм ҳамда киберэкстремизм соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон, 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон

оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

“Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунга кўра, террорчилик ҳаракатига чек қўйиш учун қонунчиликка мувофиқ зарур чоралар қўлланилиши, шу жумладан террорчиликка қарши операциялар ўтказилиши, шунингдек террорчилик ҳаракатининг хусусиятига қараб жисмоний шахслар ҳаёти ва соғлиғини, моддий бойликларни сақлаш, гаровда ушлаб турилган шахсларни озод этиш, шунингдек куч ишлатмасдан террорчилик ҳаракатига чек қўйиш имкониятини ўрганиш мақсадида террорчилар билан музокаралар ўтказилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунида экстремизмнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар сифатида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш, экстремистик фаолиятни амалга оширишга йўл қўймаслик тўғрисида расмий огоҳлантириш чиқариш, юридик шахс томонидан экстремистик фаолият амалга оширилишига йўл қўймаслик тўғрисида тақдимнома киритиш, экстремистик материалларни олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намоёиш этишни тақиқлаш, экстремизмни молиялаштиришни тақиқлаш, юридик шахснинг фаолиятини тўхтатиб туриш, ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш келтирилган. Масалан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни ташкил этиш, экстремизмга қарши курашиш масалалари бўйича ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш, маданий

анъаналарни, маънавий, ахлоқий ва ватанпарварлик руҳидаги тарбияни мустаҳкамлаш, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини такомиллаштириш кўринишида амалга оширилиши кўрсатилган.

Ёки, экстремистик фаолият белгиларини ўз ичига олган, тайёрланаётган ғайриқонуний ҳаракатлар тўғрисида етарлича ва аввалдан тасдиқланган маълумотлар мавжуд бўлган ҳамда жавобгарликка тортиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг мансабдор шахси экстремизмнинг юзага келишига йўл қўяётган мансабдор шахсларга ва жисмоний шахсларга бундай фаолиятга йўл қўймаслик тўғрисида ёзма шаклда расмий огоҳлантириш чиқариши мумкин.

Ёхуд, юридик шахс томонидан унинг фаолиятида экстремизм белгилари мавжудлиги тўғрисида далолат берувчи қонун бузилиши содир этилган тақдирда, прокурор ёки экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг бошқа мансабдор шахси мазкур юридик шахснинг мансабдор шахсига кўрсатиб ўтилган қонунбузарликларга йўл қўймаслик тўғрисида тақдимнома киритади ва уларни бартараф этиш учун муддат белгилайди. Агар ушбу қонунбузарликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, шунингдек тақдимнома киритилган кундан эътиборан бир йил ичида экстремизм белгилари мавжудлиги ҳақида далолат берувчи янги фактлар аниқланса, прокурорнинг ёки экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органи бошқа мансабдор шахсининг тақдимномасига асосан юридик шахснинг фаолияти олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб турилади ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан тақиқланади. Экстремистик фаолият амалга

оширилишига йўл қўймаслик тўғрисида ўзига тақдимнома киритилган шахс ундан норози бўлган тақдирда, экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юқори турувчи давлат органига, унинг мансабдор шахсига ёки судга ушбу тақдимнома устидан шикоят қилишга ҳақли.

Шунингдек, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунга кўра террорчилик фаолиятини олдини олишда терроризмни тарғиб қилиш, террорчилик гуруҳлари ва ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши, террорчилик фаолиятига дахлдор юридик шахсларни, уларнинг бўлинмалари (филиаллари) ва ваколатхоналарини (шу жумладан чет эл ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини) аккредитация қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши, террорчилик фаолиятига дахлдор чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларига оид маълумотлар ва фактларни яшириш тақиқланиши кўрсатилган.

Таҳлилларга кўра, 2022 йилнинг 6 ойида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш йўналишида ҳуқуқбузарликлар ўтган 2021 йилга нисбатан 100% га ошган. 2021 йилнинг 12 ойи давомида **1 069** нафар шахслар профилактик ҳисобга қўйилиб, **743** нафар шахслар ушбу ҳисобдан чиқарилган. Республика миқёсида аҳолини ёт ғоялардан сақлаш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида, **11 279 та** тарғибот тадбирлари ўтказилиб, шундан **5 992** таси терроризм ва экстремизм йўналишида, **1752** таси ноисломий йўналишда ўтказилган. Мазкур тадбирлар учун **186 та** видео материаллар, **315 та** тарқатма материаллар тайёрланиб, кенг жамоатчиликка етказилган, ёт ғоялардан қайтмаган **80** нафар фуқаролар тузалиш йўлига ўтган. Ноисломий ташкилотларнинг вакиллари сифатида тарғибот-ташвиқот қилган ва бошқа ноқонуний фаолиятлари учун **5802** нафар шахслар

профилактик ҳисобга олиниб, улар билан тезкор-профилактик тадбирларни ўтказиш назоратга олинган.

Ҳисобга олинган шахсларнинг **2 836** нафари “Иегова шоҳидлари”, **1 777** нафари “Тўлиқ инжил христианлари”, **638** нафари “Инжил христиан баптистлари”, **51** нафари “Баҳойий”, **155** нафари “Еттинчи кун адвентистлари”, **60** нафари “Кришнани англаш жамияти” ва **285** нафари бошқа ноисломий диний йўналиш аъзолари ҳисобланади. Мазкур йўналиш бўйича **4** та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, **4** нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ва **33** нафари расмий огоҳлантирилган.

2022 йилнинг 6 ойида эса аҳолини ёт ғоялардан сақлаш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида жойларда, 5 004 та тарғибот тадбирлари, шундан 2 681 таси терроризм ва экстремизм, 827 таси ноисломий йўналишда ўтказилган. Мазкур тадбирлар учун 83 та видео материаллар, 170 та тарқатма материаллар тайёрланиб, кенг жамоатчиликка етказилган, ёт ғоялардан қайтмаган 106 нафар фуқаролар тузалиш йўлига ўтган.

Хулоса

Ахборот технологияларининг юқори кўрсаткичда ривожланиши, улардан фойдаланган ҳолда давлат, жамият ҳамда шахсларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиши оқибатида ҳозирда кибертерроризм ҳамда киберэкстремизм содир этилишини бир тарафдан осонлаштиради, иккинчи томондан келтириладиган зарар ва оқибатлар салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Мазкур тоифадаги жиноятларга қарши курашда мамлакатимизда зарурий чора – тадбирларни зудлик билан кўришни тақозо этмоқда.

Глобаллашув ва рақамлаштириш дунё ҳамжамияти илм-фани учун муҳим аҳамият касб этсада, бир тарафдан кибермакондаги жиноятларни содир этиш механизмларни ривожлантириш учун имконият яратади.

Киберхавфсизликни таъминлаш учун кибержиноятчиликнинг моҳиятини билиш ва тушуниш муҳимдир. Шундай қилиб, АКТнинг жадал ривожланиши “кибержиноятчилик” тушунчасининг кенг тарқалишига олиб келди. “Кибер-жиноятчилик” атамаси “ахборот (компьютер) технологиялари соҳасидаги жиноятлар” атамасига нисбатан торроқ маънога эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки бу ахборот (компьютер) тармоғидан фойдаланишни англатади. Ўз навбатида, ахборот (компьютер) технологиялари соҳасидаги жиноятлар деганда, ҳатто тармоқ билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, лекин фақат мустақил ахборот (компьютер) тизимларига таъсир қиладиган ноқонуний хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Кибертерроризм ёки киберэкстремизмнинг барча томонидан тан олинган таърифи йўқ, лекин шу билан бирга, у ўз ичига тармоқ, тизим, маълумот, веб-сайт ва технологияларга қарши мўлжалланган ва АКТ ёрдамида амалга ошириладиган қонунга хилоф ҳаракатларни олади. Айнан кибертерроризм ёки киберэкстремизм анъанавий жиноятдан тубдан фарқ қилади, чунки у жисмоний ёки географик чегараларни тан

олмайди ва одатий жиноятдан кўра тезроқ тезликда ҳамда катта аудиторияда содир этилиши мумкин. Ахборот технологияларининг жадал суратда ўсиши билан кибертеррористлар томонидан амалга оширадиган кибержиноятлар такомиллашмоқда ва кибермаконда жиноят содир этиш усуллари янада мураккаблашмоқда.

Жумладан, кибертерроризм, киберэкстремизм жиноятчи учун ким жавобгар эканлигини ёки нима ёрдамида содир этилганлигини аниқлаш асосий муаммоларнинг бири ҳисобланади. Айтиш жоизки, интернетга уланган ҳар қандай компьютер интернетга уланган ҳар қандай бошқа компьютер билан ўзаро алоқа қилиши мумкин. Одатда, фойдаланувчилар ушбу компьютер бошқа компьютерга уланганда компьютернинг умумий IP-манзилини кўришади. Бироқ жиноятчи ўз IP-манзилини яширишнинг ёки ҳаттоки уни бошқа бировнинг IP-манзилига алмаштиришнинг кўплаб усулларига эга. Бундан ташқари, жиноятчилар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан аниқланмаслик учун турли хил воситалардан фойдаланишлари мумкин, бунинг учун улар кириш имкониятини қийинлаштириши ёки даркнет ёрдамида сайтларни яшириши мумкин. Экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтириш, профилактика ишларини янада жадаллаштириш, бу жиноятларни ўз вақтида фож этиш, сифатли тергов қилиш ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида кўйидагилар ДХХ ва ИИБ билан ҳамкорликда экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлари учун қидирувда бўлган шахсларга оид жиноят ишларини ишлаб чиқилган режа-графи асосида тўлиқ ўрганиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.09.2018 йилдаги ПФ-5542-сонли Фармони талаблари асосида жинойий жавобгарликдан озод қилиши мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлаб, уларга мазкур Фармон талабларини тушунтириш бўйича ишлар олиб бориш, экстремистик, террористик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар ва гуруҳларнинг ҳар қандай фаолиятини

таъқиб қилиш ва тажовузларини олдини олиш, аҳолининг диний қарашларини таҳлил қилиб бориш ва тўғри йўналтиришга қаратилган оммавий ахборот воситалари, интернет тармоғи ва фуқаролар ўртасида комплекс ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги қоидалардан келиб чиққан ҳолда бир неча хулоса ва таклифларни келтириб ўтиш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунига кибертерроризм, киберэкстремизм тушунчаларини қуйидаги кўринишда киритиш мақсадга мувофиқдир:

Кибертерроризм – ахборот технологиялари ички фаолиятига ноқонуний аралashiш, компьютерда мавжуд дастурлар ёки маълумотларни мақсадли равишда йўқ қилиш, зарар келтириш, давлат органларининг муҳим қисмлари фаолиятини издан чиқариш билан бирга инсонлар ҳаётига хавф солиш, моддий зарар келтириш ёки оммавий кўрқитиш, ҳарбий низолар каби турли зарарли оқибатларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатдир.

Киберэкстремизм – ахборот технологиялари ички фаолиятига ноқонуний аралashiш орқали ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган киберфазода содир этилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодасидир;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар тизимида кибертерроризмга қарши кураш бошқармаси ҳамда Бош прокуратура тизимида кибертерроризмга қарши кураш устидан назорат бошқармаси ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир;

Учинчидан, кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмга қарши курашда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг янгича услубларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир;

Тўртинчидан, кибертерроризм, киберэкстремизм профилактикасини ташкил этиш борасидаги ишларни тизимлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Кибертерроризм тўғрисида”, “Киберэкстремизм тўғрисида”ги қонунларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим;

Бешинчидан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадга мувофиқ. Масалан, кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмга қарши кураш бўйича махсус дастурлар орақали ўқитиш, кадрлар тайёрлаш ва кадрлар малакасини ошириш бўйича тизимли ишларни ривожлантириш лозим;

Олтинчидан, кибертерроризм ҳамда киберэкстремизмга қарши кураш, уларни тергов қилиш ҳақидаги тартиб таомилларни қайта кўриб чиқиш, мазкур тоифадаги ижтимоий муносабатларга оид Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ХХ¹ боби яъни ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботажини, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш каби ҳуқуқбузарликлар фақатгина ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан содир этилган қилмишлар бўлиб, бунда шахс, жамият, давлат манфаатлари очиқ қолиб

кетгандир. Масалан, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш жинояти орқали шахсга, жамиятга етказилган зарар ушбу жиноятга нисбатан қўлланиладиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чора билан ўзаро мувофиқ келмайди.

Саккизинчидан, вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 1-июлдаги ПФ-6255-сон қарори билан тасдиқланган “2021-2026-йилларда Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Миллий стратегияси” ижросини тўлиқ таъминлаш, зарур ҳолларда республиканинг диний маълумоти юқори бўлган ҳудудларида мазкур Фармон ижросини ваколатли идоралар томонидан текшириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги 167-II-сонли Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2001 йил 29 августдаги 254-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-II-сонли Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ-471-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноятпроцессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–137-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ–471-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Адабиётлар :

1. Батаева И.П. Защита информации и информационная безопасность // НиКа. 2012. –С.1-4.
2. Бураев Л.А. Кибертерроризм как новая и наиболее опасная форма терроризма // Проблемы экономики и юридической практики. 2017. №2. – С.188-190.
3. Бородкина Т.Н., Павлюк А.В. Киберпреступления: понятие, содержание и меры противодействия. Социально-политические науки. № 1. 2018. –135- 137 с.
4. Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник институти. Монография: У.А.Анорбоев “Кибержиноятчилик, унга қарши қарши курашиш муаммолари ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболлари”.
5. Расулев А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича докторлик диссертация автореферати. – Т.: 2018 й., – 5 б.
6. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: “Адолат” нашриёти. 2016 й., 861-бет.
7. Расулев А.К. Противодействие кибертерроризму: международноправовые и уголовно-правовые аспекты. –Т.: ТДЮУ нашриёти, Юридик фанлар Ахборотномаси илмий-амалий ҳуқуқий журнали, 2018. –с.92-96.
8. Салаев Н.С., Рўзиев Р.Н. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография., – Т.: ТДЮУ, 2018, 139б.
9. Тораходжаева И. Ўзбекистонда интернет тармоғи орқали содир этиладиган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари // – Т.: Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences. – илмий-амалий журнали. 2019 (03)-сон. 128-132 б.

10. А.Б.Хикматов, “Терроризмга қарши курашиш: интернетдан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар. Юридик фанлар бўйича докторлик диссертация автореферати. – Т.: 2022 й., – 5 б.
11. M.Gurcke. Understanding Cybercrime: A Guide for Developing Countries. ITU. 2009.
12. Исманова А.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика тизимини такомиллаштириш (Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими мисолида) 13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd)диссертацияси. – Т.: 2017 й., 155-б.
13. Шаповалова В.С. Правовой механизм международного сотрудничества в борьбе с проявлениями экстремизма в XXI веке // Вестник Таганрогского института имени А.П. Чехова. 2015. №2. – С.237
14. Бердалиев К.Ч. Основные направления противодействия киберпреступности с экстремистской установкой в Киргизии // Вестник Московского университета МВД России. 2011. №3. – С.212-215.
15. Солнцев М.Н. Криминологическая характеристика преступлений в сфере компьютерной информации // Вестник государственного и муниципального управления. 2012. №1. – С.99-102.
16. Капитонова Е.А. Особенности кибертерроризма как новой разновидности террористического акта // Известия ВУЗов. Поволжский регион. Общественные науки. 2015. №2 (34). – С.29-41.
17. К.Е.Зинченко, Л.Ю.Исмаилова, А.Н.Караханьян, Б.В.Киселев, В.В.Крылов, Я.М.Мастинский. Н.С.Полевой, Ю.Н.Соловьев, В.В.Хургин, С.И.Цветков. Компьютерные технологии в юридической деятельности. Учебное и практическое пособие. –М.: издательство “БЕК”. 1994 г., –с. 304,
18. Тер-Акопов, А. А. Преступление и проблемы нефизической причинности в уголовном праве: монография [Текст] / А. А. Тер-Акопов. – М.: «Юркнига», 2003. – 480 с.

19. М.В.Арзамасцев. К вопросу об уголовно-правовой классификации киберпреступлений. – М.: Уголовное право. Актуальные вопросы права и отраслевых наук: 1(3)/2017. – С. 12.

20. Робул В.И. К вопросу о проблемах расследования киберпреступлений. // Научное сообщество студентов: Междисциплинарные исследования: сб. ст. по мат. LVI междунар. студ. науч.-практ. конф. № 21(56). URL: [https://sibac.info/archive/meghdis/21\(56\).pdf](https://sibac.info/archive/meghdis/21(56).pdf).

21. Характеристика киберпреступлений против банковской деятельности в законодательстве Азербайджанской Республики. Евразийский юридической журнал. № 6 (85) 2015. <http://www.eurasiainace.ru>.

22. Прикмета А.Н. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 С. Прикмета А.Н. Киберпреступность в России. Юридическая ответственность за нарушения прав в сфере информационных технологий. – Донецк.: ДонНТУ. Информатика И Кибернетика. № 2 (12), 2018. – 30 с.

23. Волеводз А.Г. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. – М.: ООО “Издательство “Юрлитинформ”, 2001. – С. 57, 60.

24. Тер-Акопов А.А. Преступление и проблемы нефизической причинности в уголовном праве: монография [Текст] / Тер-Акопов А. А. – М.: «Юркнига», 2003. – 480 с.

25. Арзамасцев М.В. К вопросу об уголовно-правовой классификации киберпреступлений. – М.: Уголовное право. Актуальные вопросы права и отраслевых наук: 1(3)/2017. – С. 12.

26. А.С.Абдуллаев. Уголовно-правовой и криминологический анализ надругательства над телами умерших и местами их захоронения тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук. – Махачкала. 2002., – С. 168.

27. Э.Харина. Киберпреступления: уголовно-правовой и криминалистический аспект. –М.: Вестник университета имени О.Е. Кутафина, № 5. 2017. –169 с.

28. И.Глотина. Киберпреступность: основные проявления и экономические последствия. –М.: Вопросы экономики и права. № 8. 2014. –12 с.

29. Кропинова Ю.О., Лукин И.В. Киберэкстремизм в современном мире. Понятие и методы противодействия. // Сборник материалов Молодежного форума.2013. - С.37

30. А.С.Якубов. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. – Т.: 1996. –95 с.

31. А.С.Абдуллаев. Уголовно-правовой и криминологический анализ надругательства над телами умерших и местами их захоронения тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук. – Махачкала. 2002., – С. 168.

32. А.Э.Побегайло. Борьба с киберпреступностью: учебное пособие. – М.: Университет прокуратуры Российской Федерации, 2018. –13 с.